


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

"КАСБ ТАЪЛИМИ"
кафедраси

«ТИКУВ БЮЮМЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ»
фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ



НАМАНГАН - 2007

Ушбу маъруза матнида кийим тикиш тўғрисидаги асосий маълумотларини келтирилган. Кийимлар тикишда ишлатиладиган чоклар намлаб-иситиб ишлов бериш усуллари тўғрисида маълумотлар берилган.

Ушбу маърузалар матни 5140900-Касб таълими (Енгил саноат махсулотлари технологияси), 5540600-Енгил саноат махсулотлари технологияси йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчилар: катта ўқитувчи Ризаметова М.М.
Т.ф.н., доц. Хожиев А.А.

Тақризчилар: Давлатобод енгил саноат касб-хунар
коллежи катта ўқитувчиси
А. Насриддинов

Техник мухаррир:

Ушбу маъруза матни НМИИ илмий услубий кенгашида кўриб чиқилиб чоп этишга рұхсат этилди.

2007 йил «___» - августдаги ___ - сонли баённома

1-маъруза

Мавзу: Газламани тайёрлаш ва бичиш жараёнинг таърифи.

Режа:

1. Газламани бичишга тайёрлаш.
2. Гулли газламалар.
3. Газламани тўшашда ҳар хил усулларни бажариш.
4. Компьютер ёрдамида бичишга тайёрлаш.

Назорат саволлари:


1. Бичиқчилик цехида газлама тўшаш усуллари.
2. Газламалар яланг қават тўшалганда улардаги нуқсонлар.
3. Газламани тўшашда ҳар хил усулларни бажариш.
4. Гулли газламалар қандай тўшалади.
5. Жун ва ярим газламалар тўшамаси.
6. Компьютер ёрдамида бўрламалар тайёрлаш.

Адабиётлар


1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1989
2. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1994
3. Негматова Ф.У. «Тикувчилик технологияси» Т. 1999 маъруза матни
4. Труханова А.Т. «Енгил кийим технологиясидан расмли кўргазма»
5. Комилова Х.Х., Ҳамраева Н.К. «Тикув буюмларини конструкциялаш.» Молия нашриёти, Тошкент, 2003.
6. +улинжанова Г.+., Мусаева С.С. «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси» Т. 2002
7. Абдуллаева +.М., Бобоханова Х.Ш. ва бошқалар. «Бичиш тикишни ўргатиш методикаси». Т. 2007

1. Газламани бичишга тайёрлаш.

Бичиқчилик цехида газлама тўшашнинг мавжуд усуллари юкни ташиш ва жойлаштиришга оид жуда кўп ишларни талаб этилади. Бичиқ цехига келган газлама тўплари мャлум вақтгача у ерда сақланади, кейин ишлаб чиқариш дастурига мувоғиқ кўтариш-ташиш воситалари ёрдамда тўшаш жоларига келтирилади. Шунинг учун юк ташиш воситаларининг ўзи газламани вақтинча сақлашга ҳам хизмат қиласиган бўлгани майқул. Шунда ташиш воситаларидан сақлаш воситаларига юкни ўтқазиш учун вақт кетмайди. Шарнир-филдиракчали яшиклар, платформалар ёки кўчма элеватор типидаги жавонлар (1-расм) анна шундай транспорт воситаларидандир.



1-расм. Күчма элеватор типидаги жавон.



2-расм. ТШП- 63 газлама ташийдиган ўзиюрар аравача.

Газламаларни сақлаш жойида бичиқчилик цехидаги түшаш ускуналари ёнига олиб келиш учун ТШП-63 ўзи юрар аравачалар ишлатиш мумкин (2-расм). Бу аравача 50 кг гача юк олиши, уни 1,3 м баландликка күтариш мумкин. Аравачанинг габарит ўлчамлари 2,63[0,71[2,20 м. Бичиладиган газламанинг ва бўлажак кийимни турига қараб, бичиш учун мўлжалланган газлама асосан «ўнгини пастга қаратиб яланг қават ёки ўнгини ўнгига қаратиб яланг қават» тўшалади. Иккала ҳолда ҳам газлама энига тўла очиб юборилиб тўшалиши керак. Газлама ўнгини ўнгига қаратиб тўшалганда хама тоқ қаватларининг ўнги юқорига, ҳам жуфт қаватларининг ўнги пастга қаратиб тўшалади. Бу усулда тўшалганда тўшама қавтловри ҳам жуфт бўлиши керак. Агар тўшама ҳамма қаватларининг ўнги пастга қаратиб тўшалса, бундай усул «ўнги пастга қаратиб яланг қават тўшаш» усули дийилади. Ўнги пастга қаратилиб яланг қават тўшаб бичилганда бир кийимнинг барча деталлари тўшаманинг битта қаватида чиқиши керак. Ўнгини ўнгига қаратиб яланг қават тўшалганда эса битта кийимнинг деталлари тўшамадаги иккита қўшни қаватдан чиқарилади. Бунда симметрик жуфт деталларнинг ярми бир қаватдан чиқса, иккинчи ярми қўшни қаватдан чиқади. Шунинг учун ўнгини ўнгига қаратиб яланг қават тўшалганда тўшама қаватлари жуфт бўлиши шарт. Ўнгини пастга қаратиб яланг қават тўшалганда эса тўшама қаватлари жуфт ёки тоқ бўлавериши мумкин.

Газламалар яланг қават тўшалганда улардаги нуқсонларни кўриш осонлашади, газламанинг эни қандай бўлишига қарамай, ундан катта размерли кийимлар бичиш мумкин.

Газламалар яланг қават тўшалганда улардаги нуқсонларни кўриш осонлашади, газламанинг энни қандай бўлишига қармай, ундан катта размерли кийимлар бичиш мумкин.

Тайёров цехида ҳар томонлама текширилган газламалар ҳисоб варақаси ҳисобан бичув бўлимига узатилади. Узатиладиган ҳар қандай газламалар ўзининг артикулига, гулларига, эни ва узунлигига қараб жавонларда ёки газлама қўйиладиган электроштабелёр ёки элеваторларда сақланади.

Асосан симметрик жуфт деталлардан иборат кийимларни газламани ўнгини ўнгига қаратиб тўшаш, биргина деталь бўрлангандан кейин у кесиб олинса, бир йўла иккита деталь чиқади. Симметрик деталлари йўқ кийимни бичишида эса мазкур кийимнинг барча деталларини бўрлаб чиқиш керак бўлади.

Газламани тўшаш ҳар хил усулларда бажарилади, яъни сидирға газламалар ўнгини-ўнгига қўйган ҳолда тўшалади. Сидирға газламаларда газлама сони белгиларидан сўнг унинг устидан андозаларни асосий ип йўналиши яъни танда или орқали белгилаб қўйилади. Танда ипни сидирға

газламаларда андозалар орасидаги чиқиндилардан камайтириш мақсадида бурилиш бурчаги ҳисобланади.


Катак ва йўл-йўл газламалардан улардаги чизиқлар бир-бирини устига тушиши кўзда тутилади. Тўшаманинг юзасига қўйилган андозалар асосан олд ва орт бўлак енг юқори ўмиз қисмини гулари бир - бирига тўғри бўлиши учун ораларидаги чиқинди 14 % гача берилади. Бунда ён чўнтақ бўлаклари яни қопқоқ, листочка подбортбўлагида бир донаси аниқ андоза билан чизилади. Иккинчи бўлаклар эса биринчи бўлакнинг чизиқлари бир-бирига тушиши учун кенгроқ бичилади.

2. Гулли газламалар.

Газламаларнинг қандай тўшалишига уларнинг гулларининг хусусиятлари ҳам таъсир этади. Йўналиши аниқ бўлмаган ёки сезилар-сезилмас майда гулли газламалар сидирға газламалар тўшалгандек тўшалаверади. гулларнинг хусусияти аниқ кўриниб турган (катақ, йўл-йўл, гуллари мълум томонга қараган) газламалар тўшалаётганда ҳам, андозалар жойлаштирилаётганда ҳам уларнинг бу хусусиятларини ҳисобга олиб, барча қаватларда газлама гулини бир томонга йўналтириб тўшаш керак. Тайёр кийимда барча деталларнинг гуллари ёки катаклари бир-бирига тўғри келиши учун, баъзи деталлар (масалан, чўнтақ қопқоқлари ва кийим олдибўлаги) кенгайтириброқ бичилади. Бир тўшамада гуллари ёки артикулри ҳар хил газламалар бўлган тақтирда, аввало бир хил гулли ёки бир хил артикулли газламаларни тўшаб бўлиб, кейин иккинчи хил гулли ёки иккинчи хил артикулли ва хокозо газламалар тўшалади. Артикуллари ҳар хил газламалар бирга тўхалганде, тўшовчи ҳар қайси артикулдаги газламаларнинг энгустки қаватида тўшама охирига энг яқин жойлашган йирик деталь (масалан, кийимнинг олд бўлаги) устига бор ёки қалам билан мазкур газлама артикулини ёзиб қўйиш керак.

Гулли газламалар-атлас, ҳар хил гулли газламалар ҳам юзма-юз шаклда ёки пастка қаратилган ҳолда тўшалади. Бу газламалар ҳам моделда кўрсатилган андоза бўлаклари орқали тўғри ўрганилган ҳолда тўшалади. Газламалар зифир толали, ип толали, табиий толали бўлиши мумкин. Буларда тўшама баландлиги юқорида кўрсатилганидек белгиланади.

Жун ва ярим газламалар тўшамаси. Бу газламалар ҳам 2 хил усулда тўшалади. Сидирға ёки бошқа кўринишда бўлиши мумкин. Агарда жун узун буқланган бўлса у ҳолда тукларини бир томонга йўналтирган ҳолда тўшалади. Тўшама сони 24-зо қават бўлиши мумкин. Бу газламалар бир томонга қаратиб белгиланади. Юқоридан пастка.



3-расм. ЭЗМ-2 вертикал пичиқли күчма бичиш машинаси.

Узун толали бўлган газламалар-бу газламаларда берилган гуллар ҳам бир томонга йўналган бўлади. Газламалар бир томонга қаратиб тўшалади. Тук толали газлама бир томонга қаратилган бўлиши мумин. Бунинг туклари юқорига қаратилган ҳолда бичилади. Аврадаги тўлик комплект андоза деталларнинг сонини, моделнинг ташқи кўринишига араб тузилади ва шу андозалар орқали белгиланади. Агарда кийим астарига бир неча моделлар орқали ўзгариш сезилмаса у ҳолда астар столга тўшалгандан сўнг тайёр трафаретларда андоза бўлаклари пуркаш йўли билан туширилади. Унинг ҳам тўшаш усуллари яхши бўлади. Тўшамадан сўнг газламалар столни устида яхлит бўлакларга бўлинади. ЭЗДМ-2 машинасида бичилади.

3. Компьютер ёрдамида бўрламалаш.


Компьютер ёрдамида бўрламалар тайёрланган андозаларнинг координатлари машиналарнинг хотирасига ёзиб олинади. Зарурат бўлса 1 та размер андозалар керакли размерларга катта ёки кичкина бўлган ёки катталаштириш керак бўлган размерлари ҳисобланади.

2 оператор экран ёрдамида деталларни жойлашмага жойлади. Фақатгина рационал жойлашмаларда жойлашмани катталикларида бўрлама тайёрлашга аниқлик киритади. Шу тарзда 2 компьютерга ўтказиш учун бўрлама тузувчи керак масштаб аниқлик кирита олиш мумкин. Масштаб 1:1 ёки 1:5 размерда; аниқлик киритилган размер; ростдаги андозалар асосий перфакартага нуқталар орқали белгилаб бериш бу компьютер орқали аниқланган андозалар лазер нури орқали автоматик равишда тўшама устига тахланади. Лазер нури билан бичилади. Газламага ип толадан бўлиши шарт. Агарда сунъий тола бўлса нурлар бориб бичилаётган газлама контури суюқланиб кристалл холатга келади. Тўшама бажарадиган жой стол сифати бўлиб, сетка тариқасида тузилган бўлади. Металл сетканинг узунлиги 2 комплект лекала бўлиб 2 та размер ростнинг аралашмасидан иборат бўлади. Газлама тўшалиши фақатгина эрувчанлик хусусияти йўқ бўлган газламалар программа орали лазер нури билан бўлаклар аниқ бичилади.

Деталлар бир-бирига тўғри уланиши учун, андозаларга контрол белги қўйилади. Ҳамма андозаларга моделнинг, номери, рости ёзилади. Иш андозалари ва ёрдамчи андозалар ойда бир ёки икки марта эталон андоза билан солиштирилиб турилади. Картон қуриши натижасида киришиш мумкин бўлгани учун, эталон андозаларнинг ўзи ҳам йилнинг ҳар чорасида бир марта табеда кўрсатилган ўлчамларга солиштириб текширилади.

Устига бирор кийим андозалари комплектини ёки бир кеча кийим андозалари комплектларини маълум тартибда жойлаштириб, андозалар шакли тушириб, андозалар шакли тушириб олинган газлама ёки қоғоз бўлаги бўрлама деб аталади.

Маълум тартибда жойлаштирилган андозалар шаклини газлама ёки қоғозга тушириб олиш учун, одатда, андозалар атрофидан бўр ёки қалам юритиб чиқилади. Хозир жойлаштирилган андозалар шаклини тушириб олишнинг илғорроқ йўллари ҳам топилган. Масалан, андозалар газлама устига жойлаштириб, улар устидан тез қурувчи ранг сепиш мумкин. Чет давлатларда бундай усуllарда бўрлама тайёрлаш учун ишлатиладиган бир неча хил машиналар ҳам бор.



4-расм. Пиджак ва шим деталларида газлама ўриш ипининг нормадан қанча оғиши мумкинлиги.

Гули бир томонга ўараган ёки тукли газламаларни бичиш учун мўнжаллаб тайёрлаётганда, андозаларни шундай жойлаштириш керак, кийим тикилаётгандан кейин ҳам унинг деталларидаги гуллар ёки туклар бир томонга қараган бўлсин. Кийимдаги симметрик жойлашган деталларнинг гуллари бир хил тўғри келиши керак. Бобриқ, баҳмал, яримбаҳмал, чийдуҳоба каби газламалардан тикилган кийимлар барча деталларнинг туки юқорига йўналган бўлиши керак, акс холда киимнинг кўп ишқаланадиган жойлари ялтираб кетади. Газламанинг туки узун бўлиб, аниқ бир томонга таралган бўлса, уни кийим тайёр бўлганда туклари пастга қараб турадиган қилиб бичиш керак.

Гулсиз сидирға газламаларни бичишга мүнжалланган бўрлама тайёрлаш учун, андозаларни қарама-қарши жолаштиrsa бўлади. Агар бичиладиган газлама йўл-йўл ёки катак бўлса, тикилаётганда йўллари ёки катакларини тўғри келтиришучун деталлар мўлжалдагидан каттароў ўилиб бўрланади. Бунда деталлар бичиладиган газлама қайси тўшалишини, қайси детал тайёр кийимнинг қайси йрида туришини ҳисобга олиш керак. Шунда деталларнинг ҳамма томонини баробар кегайтирмай, балки бир томонини кенгайтириб бўрлаш кифоя. Кийим олд бўлагининг борт томонини кенгайтириб бичилса, адипнинг қайтарма ташқари чеккасига қараган томони, кийим орт бўлагининг ўртадан бир-бирига уланадиган томони, чўнтак қопқоқ, қоплама чўнтак, ёқанинг юқори ва пастки қирқим томонлари кенгайтириб ўрланади.

2-маъруза

Мавзу: Моделларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш.

Режа:

1. Газламалаардан рационал фойдаланиш.
2. Андазааларнинг сатхини ўлчаш усувлари ва уларни жолашма турлари.
3. Андозаларни эксперементал жойлаштириш.
4. Андозалар сатҳи.

Назорат саволлари:

1. Деталлар андазаларининг чизмаси ва уларнинг конструкцияси.
2. Конструкциянинг ишчи чизмасига қандай ўзгартеришлар киритилади.
3. Ҳосила андазаларга қандай конструктив-декоратив элементлар билан безатилади, нималарга муайян ишлов берилади, деталлар контурлари қандай аниқланади.
4. Андозалар қандай кетма-кетликда жойлаштирилади.
5. Параллел тўшаш усули нималардан иборат, унда ҳар қайси газлама қандай тўшалади.

Адабиётлар

1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1989
2. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1994
3. Негматова Ф.У. «Тикувчилик технологияси» Т. 1999 маъруза матни
4. Труханова А.Т. «Енгил кийим технологиясидан расмли кўргазма»
5. Комилова Х.Х., Ҳамраева Н.К. «Тикув буюмларини конструкциялаш.» Молия нашриёти, Тошкент, 2003.
6. +улинжанова Г.+, Мусаева С.С. «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси» Т. 2002
7. Абдуллаева +.М., Бобоханова Х.Ш. ва бошқалар. «Бичиш тикишни ўргатиш методикаси». Т. 2007

Деталлар андазаларининг чизмаси улар конструкциясини, ва ўлчамларини, ишлов бериш ва бичишдаги техник шартларни ифодалайдиган техник хужжатдир. Андазаларнинг чизмаси буюмни тузувчи барча деталларга, конструкторлик ҳужжатларининг ягона системаси талабларга мувофиқ тайёрланади. Кийим деталлари андазаларнинг чизмаси конструкциясида тавсия қилинган материаллар хусусиятлари ҳақидаги ва уларга технологик ишлов бериш усуллари түғрисидаги маълумотлар ёрдамида тузилади. Андазалар чизмаси қўйидаги кетма-кетликда бажарилади;

- конструкция чизмаси батафсил текширилади;
- чизмага газламанинг киришувчанлиги билан боғлиқ аниқликлар киритилади;
- деталлар чизмасининг нусхалари бошқа қофозга туширилади;
- асосий деталлар андазаларнинг ишчи чизмаси қурилади;
- ҳосила ва ёрдамчи андазаларнинг ишчи чизмалари қурилади;
- ишлаб чиқаришда фойдаланишга мўлжалланган андазалар чизмасидан андазалар шаблонлари тайёрланади.

+айд этилган кетма-кетлик қўйидаги тартибда амалга оширилади. Конструкция чизмасини текшириш мақсадида олд ва орқа бўлаклар, қирқма ён бўлаклар, енглар, остки ёқалар сингари асосий деталларнинг нусхаси маҳсус мослама ёрдамида чизмадан қалин қофоз кўчирилади ва қирқиб олинади. +ирқиб олинган андазалар шаблонида кўкрак, бел, бўкса чизиқлари, олд ўрта чизифи, витачкалар, чўнтаклар чизифи ва бошқа асосий конструктив чизиқлар белгиланади. Андазалар шаблони ёрдамида конструкция чизмасида бириклирадиган қирқимларнинг тенглиги, конструктив қирқимлари туташмалари, назорат кертиклар жойларининг деталларида ўзаро мослиги текширилади.

Конструкциянинг ишчи чизмасига ўзгартиришлар киритилади. Аниқланган нуқсонлар ҳисобга олинган ҳолда, асосий деталлар нусхаси чизмадан бошқа қофозга-тикув буюмлари технологияси асосларига ва норматив-техник ҳужжатларга таяниб қурилади. Айни ҳолда, чоклар конструкциясида газламаларнинг тўкилувчанлиги ва бичиқларнинг аниқлик даражаси этиборга олинади. Лекин, газлама киришувчанлигига қўшимча ҳақи конструкция қурилган пайитда ҳисобланади ёки газламанинг мўлжалланган куришувчанлигига боғлиқ ҳолда, андаза чизмасига киритилади.

Андазалар чизмаси бир миллиметргача аниқланади 1:1 масштабда қурилади. Конструкторлик ҳужжатлар ягона системаси талабларга кўра деталлар чизмасида кийим ўлчамларини батафсил тавсифлайдиган минимал ўлчамлар сони келтирилади. Ҳамма деталларда бичишнинг техник талабларга жавоб берадиган танда ипининг йўналиши ва танда ипидан меъёrlар бўйича рухсат этилган оғишлар ва назорат кертиклари белгиланади.

Ҳосила ва ёрдамчи андазалар чизмасини ишлаш асослари. Асосий деталлар андазаларининг чизмасидан тайёрланадиган деталлар андазаси ҳосила андазалар дейилади. Ҳосила андазалар ёрдамида тикув буюмлари конструктив - декоратив элементлар билан безатилади, қирқимларига муайян ишлов берилади, деталлар контурлари аниқланади. Улар буюм шаклини барқарорлигини таъминлаш жараёнида қўлланилади. Шу боис ҳосила андазаларининг ўлчамлари ва шакли асосий андазалар шакил билан боғлиқ ҳолда курилади. Ҳосилда андазалари таёrlаш асослари бўйича, қўйидагича фарқланади: асосий материаллардан бичиладиган деталлар- борт адип, устки ёқа, чўнтак қопқоқлари, адипи ва кўринмас; астар деталларининг андазаларининг- олд ва орқа бўлаклари, енг, шимнинг олд бўлаклари астари; қотирма материалларидан-борт қотирмаси, елка қисмига қўшимча қотирма детали; қаватловчи қотирма материалдан-олд бўлак қотирмаси, қирқма, орқа бўлак этаги ва енг ўмизининг қотирмаси, ён бўлак ўмизи ва эрагига, енглар учига, остки ва устки ёқалар ҳамда борт адипининг қотирмалари.

Ҳосила андазалари чизмаси асосида қурилади.

Андозаларни эксперементал жойлаштиришда аввал размер ва ростларни қандай бирлаштириш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилади. Жойлаштиришда андозаларнинг камида иккита тўла комплектини бирлаштирган мавқул. Тикувчилик корхоналари иш тажрибасида андозаларни жойлаштириш учун размер ва ростларни бирлаштиришнинг икки хил усули бор:

1. Бир хил ёки кетма-кет размер ва ростларни танлаб бирлаштириш.
2. Андозалар сатхи орта борадиган тартибида бирлаштириш.

Мисол тариқасида эркаклар костюмларида размер ва ростларни бирлаштириш.

Андозалар жойлаштиришда бир хил ёки кетма-кет размер ва ростларни бирлаштириш тўшама узунлиги диапазонининг кенроқ бўлишига имкон беради. Бу эса тўшаладиган газлама тўпларини ҳисоблашни енгиллаштиради ва бичганда қоладиган лахтаклар миқдорини кескин камайтиради.

Тавсия этилган усулларда қайси бирини ишлатиш ҳар бир муайян кийим нечтадан тикилиши боғлиқ. Кийим камроқ тикиладиган бўлса, кетма-кет размер ва ростларни бирлаштириш мавқул. Кийим кўпроқ тикиладиган бўлганда эса андозалар жойлаштиришда бир хил размер ва ростларни бирлаштирган ёки андозалар сатхи орта борадиган усулда бирлаштирган мавқул.

Размер ва ростларни андозалар сатхи кетма-кет ортиб бориш тартибида бирлаштириш, дастлаб, бичиладиган кийимлар андозаларнинг сатҳилари размер, рост тартибида ёзиб олиниб, орта борадиган тартибида номерлаб чиқилади.

Андозалар билан қизларнинг пальто ва кўйлаклари каби кийимлардаги мураккаб шакли баъзи фасонлар ёки бир гуруҳ фасонлари учун бу умумий тавсияларини ўзгартириш мумкин. Бу ҳол андозаларни зичроқ жойлаштириб, жойлама сатҳидан тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

Бундай ҳолларда размерларни бошқачароқ (бир ёки икки размер ортиқ, масалан 96-100, 96-104, 96-108 каби) бирлаштириб, андозалар эксперементал жойлаштириб кўрилади.

Жадвал - 1

Эркаклар костюмларида размер ва ростларни бирлаштириш

| Размер ва ростлар шкаласи | | | Размер ва ростларни андозалар юзаси ва орта борадагин тартибда бирлаштириш усули. | | | Бир ҳил ёки кетма-кет размер ва ростларни бирлаштириш усули. | | |
|---------------------------|------|------------------------------------|---|---|--------------------------------------|--|---------------------------------|---|
| Размер | Рост | Шкала даги солиш тирма улуши фоизи | Андозал ар юзаси M ² | Андозалар юзаси ортиб боришига мос тартиб номерлари | Размер ва ростларнинг бирлаштирилиши | Андазаларни жойлаштириш даги солиш тирма фоиз | Размер ва ростларни бирлаштириш | Андазаларни жойлаштириш даги солиш тирма улуши фоиз |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 88 | 152 | 1 | 3,17 | 1 | 88/152+88/152 | 1 | 88/152+88/152 | 1 |
| 88 | 158 | 1 | 3,25 | 3 | 92/152+92/152 | 2 | 88/152+88/164 | 2 |
| 88 | 164 | 1 | 3,37 | 6 | 88/158+96/152 | 2 | 92/152+96/152 | 4 |
| 92 | 152 | 2 | 3,24 | 2 | 96/152+92/158 | 2 | 92/158+96/158 | 12 |
| 92 | 158 | 6 | 3,34 | 5 | 92/158+92/158 | 4 | 96/158+96/164 | 8 |
| 92 | 164 | 9 | 3,45 | 9 | 88/164+92/158 | 2 | 92/164+96/164 | 10 |
| 92 | 170 | 1 | 3,52 | 11 | 100/152+96/158 | 4 | 92/170+96/158 | 2 |
| 96 | 152 | 2 | 3,33 | 4 | 96/158+96/158 | 8 | 96/164+100/164 | 16 |
| 96 | 158 | 10 | 3,42 | 8 | 92/164+100/158 | 10 | 96/170+100/170 | 10 |
| 96 | 164 | 17 | 3,54 | 12 | 100/164+100/164 | 10 | 100/152+100/158 | 4 |
| 96 | 170 | 5 | 3,62 | 14 | 92/170+96/164 | 2 | 100/158+100/164 | 4 |
| 96 | 176 | 1 | 3,72 | 17 | 96/164+96/164 | 16 | 100/164+100/164 | 4 |
| 100 | 152 | 2 | 3,39 | 7 | 96/170+104/158 | 4 | 100/176+104/176 | 4 |
| 100 | 158 | 5 | 3,48 | 10 | 96/170+104/164 | 6 | 100/182+104/182 | 2 |
| 100 | 164 | 10 | 3,63 | 15 | 96/176+104/164 | 2 | 104/158+104/170 | 4 |
| 100 | 170 | 8 | 3,75 | 18 | 100/170+100/170 | 8 | 104/164+104/164 | 4 |
| 100 | 176 | 2 | 3,82 | 21 | 104/170+100/176 | 4 | 104/182+108/164 | 2 |
| 100 | 182 | 1 | 3,93 | 24 | 108/164+112/164 | 2 | 108/170+108/182 | 2 |
| 104 | 158 | 2 | 3,58 | 13 | 108/170+100/182 | 2 | 108/176+108/164 | 2 |
| 104 | 164 | 4 | 3,71 | 16 | 100/170+100/170 | 1 | 112/164+112/176 | 2 |
| 104 | 170 | 2 | 3,76 | 19 | 104/176+104/176 | 2 | 112/170+112/170 | 1 |
| 104 | 176 | 2 | 3,94 | 25 | 112/170+108/176 | 2 | - | - |
| 104 | 182 | 2 | 4,03 | 28 | 104/182+104/182 | 2 | - | - |
| 108 | 164 | 1 | 3,80 | 20 | 112/176+108/182 | 2 | - | - |
| 108 | 170 | 2 | 3,89 | 23 | - | - | - | - |
| 108 | 176 | 1 | 4,2 | 27 | - | - | - | - |
| 108 | 182 | 1 | 4,12 | 30 | - | - | - | - |
| 112 | 164 | 1 | 3,88 | 22 | - | - | - | - |
| 112 | 170 | 1 | 3,98 | 26 | - | - | - | - |
| 112 | 176 | 1 | 4,10 | 29 | - | - | - | - |

| | | | | | | | | | |
|------|--|-----|--|--|--|--|-----|--|-----|
| Жами | | 100 | | | | | 100 | | 100 |
|------|--|-----|--|--|--|--|-----|--|-----|

2. Газламаларни кетма-кет тўшаш вазаллиги бичиқчилик хехи сатҳидан рационал фойдаланишдадир. Кетма-кет тўшаш усулининг афзаллигидан яна бири шуки, унда кейинги столлардаги тўшамалар тайёр бўлиши кутилмай, тўшаб бўлинган столдаги тўшама қирқаверилади. Камчилиги эса рулон ўраминиочишни кўп марта такрорлашдан, шунингдек, битта тўпни кейинги тўшамаларда ишлатиш учун бир неча марта олиб қўйишдан иборат. Кетма-кет тўшаш усулида тўшаш жараёни параллел усулдагига қараганда чўзилиб кетади.

Параллел тўшаш усули шундан иборатки унда ҳар қайси газлама тўпи охиригача тўшама секцияларига ёки бир нечта столга бир вақтида тўшалади, тўшамалар эса барча тўплар тўшаб бўлингандан кейингиа қирқилади.

Параллел тўшаш усулида тўшовчилар звеноси битта ҳисоб картасида қанча тўшама кўрсатилган бўгса, шунча столда баравар ишлайди. Ҳисоб картасида бир нечта бўйи қисқа тўшамалар назарда тутилган бўлса, бригада звенолари сарифлайдиган вақтни тенглаштириш мақсадида бирорта звено иккита қисқа тўшамани бир столда бажариш йўли билан ҳисоб картасида кўрсатилганига нисбатан битта ёки иккита кам столда ишлаши ҳам мумкин. Параллел тўшаш усулида бир топ газлама бутунлай тугагунча тўшалади, қанча газлама сарф бўлишини энг мақбул ҳисоблаш имконияти туғилади, ҳисоб картасига биноан тўшаш цикли қисқаради, тўқимачилик нуқсонлари анчагина бўлган газлама тўпларини рационал ишлатиш учун катта имконият пайдо бўлади.

Бу усулда газлама ўрамаларини максимал ҳаракатланадиган қурилмаларда ташиш жорий қилинса, тўшаш столларининг фойдали коэффиценти ортади, тўшаш циклига кетадиган вақт икки баравар қисқаради, бир жойдан иккинчи жойга ўтиб юриш учун кетадиган вақт қисқаради, меҳнат унумдорлиги ортади.

Параллел тўшаш усулининг энг катта камчилиги шуки бунинг учун бичиқчилик цехининг сатҳи анчагина кенг бўлиши керак. Шу сабабли сатҳи катта бичиқчилик цехлари бор ва бир хил кийимдан (асосан уст кийимдан) бир йўла жуда кўп тикиладиган корхоналардагина газламаларни параллел тўшаш усулидан фойдаланилади.

Газламаларни аралаш тўшаш усули параллел тўшаш усулининг икки ёки ундан ортиқ марта кетма-кет такрорланишидан иборат. Бу усулда тўшалганда икки кишидан иборат тўшовчилар звеноси битта ҳисоб картасида кўрсатилган беш-олти тўшамани икки-уч столда баравар тўшайди. Газламалар қўлда ёки машиналар ёрдамида тўшалади. Мъалумки, газламаларни тўшаш жараёни сермеҳнат ишлардан ҳисобланади. Масалан, бўйи 8 м, баландлиги эса 150 қаватдан иборат тўшама ҳосил қилиш учун тўшовчи 2,5 км га яқин йўл босиб ўтиши керак.

Марузга-3

**Мавзу: Газламани бичишга тайёрлаш.
Газламани қабул қилиш, ўровини очиш,
сақлаш, транспорт воситаларини техннологик тарифи.**

Режа:

1. Газламаларни тўшашибнинг техннологик параметирлари.
2. Тикувчилик корхоналарида газламани қабул қилиш, ўровини очиш ва нуқсонини топиш.
3. Газламани тўшашиб бичиш транспорт воситалари.

Назорат саволлари:

1. Газламада камроқ чиқинди чиқишига нималарга эътибор бериш керак.
2. Газламалар қўлда тўшалганда уларнинг чўзилишини қандай йўқатиш мумкин.
3. +аватлар ўлчаб - қирқиш машинасида қирқилганда тўшалганига қараганда қанча камаяди.
4. Транспортёрлар ҳар қайсиси бошқа - бошқа вақтда ёки иккенинг ҳам қандай вақтларда ҳаракатланиши мумкин.

Адабиётлар

1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1989
2. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1994
3. Негматова Ф.У. «Тикувчилик технологияси» Т. 1999 маъруза матни
4. Труханова А.Т. «Енгил кийим технологиясидан расмли кўргазма»
5. Комилова Х.Х., Хамраева Н.К. «Тикув буюмларини конструкциялаш.» Молия нашриёти, Тошкент, 2003.
6. +улинжанова Г.+, Мусаева С.С. «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси» Т. 2002
7. Абдуллаева +.М., Бобоханова Х.Ш. ва бошқалар. «Бичиш тикишни ўргатиш методикаси». Т. 2007

Газламани тўшашибда ундан қаватларнинг кесилган учлари бир-бирига ниҳоятда аниқ, тўғри келиши катта аҳамиятга эга, чунки операциялар тўғри бажарилишигина эмас, балки газламанинг камроқ чиқинди чиқиши ҳам боғлиқ. қаватларнинг учлари бир - бирига тўғри келмай қолишига сабаб бўладиган камчиликлар асосан иккита: 1) қаватлар учларининг нотекис қирқилиши ва 2) қирқиш чизиғининг ўриш ипига тик бўлмаслиги. Биринчи камчилик фақат қирқиш үсулигина эмас, балки тўшашиб үсулига ҳам боғлиқ. Масалан қўлда тўшашибда қаватларниэнига (ўраш бўйлаб) чўзувчи кучларнинг

нотекис тақсимланиши қаватларнинг узунасига нотекис релаксация бўлишига олиб келади. Бу эса тўшама қисқичларидан бўшатилгандан кейин, унинг қирқилган учлари нотекис чиқишига сабаб бўлади. Иккинчи камчилик тўшаётганда қаватларини бирор томонга қийшиқроқ жойлаштириш натижасида содир бўлади.

+ўлда тўшалганда қаватлар орти қирқими олд қирқимига нисбатан кўпроқ нотекис чиқади, натижада қатламларнинг орт учи олд учига унча тўғри келмай қолади. Бундай тўғри келмаслик ўрта ҳисобда 30-73 мм бўлиши мумкин. Орт қирқимларининг олд қирқимларга нисбатан нотекис чиқишига сабаб қўлда тўшаш натижасида қаватларининг чўзилишидир. +аватларнинг учлари нотекис кесилиши ва тўшамада уларнинг бир-бирига аниқ тўғри келмаслиги натижасида тўшаманинг бошида (олд учидаги) ҳам, охирида (орт учидаги) ҳам чиқиндилар чиқади. Бундай чиқиндилар тўшама узунлигига нисбатан анчагина (ўрта ҳисобда 0,7-1,3 %) бўлиб, одатда, тўшама учларидан чиқишига мўлжалланган чиқиндилар нормасидан ортиқ бўлади. Газламалар қўлда тўшалганда уларнинг чўзилишини йўқатиш мумкин бўлмагани учун, қирқимлар текислиги нотекислигини камайтириш ҳисобига газламаларни тежашнинг ҳеч қандай иложи йўқ.

+аватлар ўлчаб - қирқиши машинасида қирқилганда тўшалганига қараганда анча камаяди. Масалан, драп газламаларда бундай чиқиндилар машинада қирқилганда 0,08 % бўлиб, қўлда тўшалгандан 2,5 марта, вискоза газламалардан эса тахминан 2 марта кам бўлади.


Тўшаш операциясининг сифати кўрсаткичларидан бири тўшама қаватларнинг бир томондаги милкларини тўғрилашдир. Бундай тўғрилаш натижасида бўрламанинг бир ёнини тўшаманинг милклари тўғриланган томонига мослаб жолаштириш мумкин бўлади. Бу эса тўшама қаватининг чети бир-бирига тўғри келмай, бичилган деталлар брак чиқишига йўл қўймайди, газламаларнинг энидан чиқадиган чиқиндиларни камайтиради.

Маълумки, газламалар қўлда тўшалганда бичиб олинган деталларнинг ўлчамлари релаксация натижасида кичраяди ёки қаватлар бирор томонга қийшайиброқ қолади. Газлама милкларининг унчалик текис эмаслиги ҳам тўшама сифатига таъсир этади. Тўшама қаватлари милкларини бир - бирига тўғрилашдаги фарқ 21 - 55 мм га етади.

Тўшаш машиналарида газлама рулонининг учи машинага қистирилган бўлиб машина тўшаш столи бўлиб бораётганда рулон ўрами очилади. Бунда тўшаш тезлиги машинанинг ҳаракат тезлигига боғлиқ бўлади. Рулон ўрамини очиш учун тезлигини ўзгартириш мумкин бўлган маҳсус ўрам очар қўрилмалар ишлатиш ҳам мумкин. Бунда тўшаш тезлиги машинанинг ҳаракат тезлигига боғлиқ бўлмайди. Газлама рулонинг очилиш тезлиги машинанинг юриш тезлигидан ортиқроқ бўлгани учун, тўшалган қаватлар тортилиб қолайди.

Бичиқчилик ишларини механизациялаштириш юзасидан конструкторлик бюrolарида ва тикувчилик фабрикаларида олиб борилаётган


ишлардаги йўналишларидан бири кўп қаватли тўшаш столлари яратишдир. Бундай столларнинг қаватлари маълум тартибда ўрин алмасиб туради. Ҳар бир столнинг конструкцияси иккита технологик зонадан (ёки участкадан), яъни тўшаш ва қирқиш зоналаридан иборат бўлади. Тикувчилик саноатида бундай столлардан икки қаватли механизациялаштирилган стол, газламани тўшаш ҳамда қирқишга мўлжалланган беш қаватли стол ва етти қаватли АНК агрегати кўпроқ ишлатилади.



5-расм. Механизациялаштирилган тўшаш столи қаватларининг алмашиниш схемаси:
а-икки қаватли стол; б-беш қаватли стол.

Икки қаватли механизациялаштирилган столда (5-расм, а) тўшаш участкаси 1 ва қирқиш участкаси 2 бор. Тўшаш участкасида тўшамаси тайёр бўлган стол 1 турибди. +ирқиш участкасида эса бичиб бўлинган тўшамадан бўшаган стол 2 тасвиранган. Столнинг бош томонида вертикал элеватор з бўлиб, унга рулонлар 4 жойлаштирилган. Юқорида тасвиранган кўп қаватли тўшаш столлари, жумладан, етти қаватли АНК агрегати тўшовчилар ишини енгиллаштиришга қарамай, газламаларни тўшаш ва бичишнинг ўзигагина бевосита сарф бўлмайдиган вақт талаб этадиган операциялардан ҳосил эмас. Ҳақиқатдан ҳам кўчма стол бўнкердан тўшаш зonasига келаётганда ва бункерга яна қайтаётганда ёки бичиш зonasига ўтаётганда газлама тўшалмайтирилади. Юқорида тасвиранган типдаги агрегатлардан эса бундай бефойда вақт анчагина бўлади.

Шунинг учун ЦНИИШПда ўтказилган махсус тадқиқот натижасида бир-бирига тираб қўйилган иккита столдан иборат тўшаш-бичиш агрегати (6-расм) маъқулроқ деб топилди.



6-расм. Транспортер ленталар қопланган тўшаш-бичиш агрегати

Ундаги транспортёр ленталарининг эни бичиш столи энига тенг бўлади. Транспортёрларнинг ҳар қайси бошқа - бошқа вақтда ёки иккови бир вақтда ҳаракатланиши мумкин. Бундай конструкцияли столларда газлама столнинг устки қопқоғига эмас, қопқоқ устида ётган лентага тўшалади. Тўшаб бўлинадиган кейин иккала транспортёр баравар ҳаракатга келтирилиб, тўшама бир столдан иккинчисига ўтказилади. Шундай қилиб биринчи стол янги тўшама учун бўшаёди, иккинчи столида эса электр юритма воситасида ҳаракатланадиган сурма бичиш машинаси ёрдамида тўшама қирқилиб бўлакларга ажратилади ва баъзи деталлари текисланиб қирқилади. Кейин иккинчи столдаги транспортёр иккинчи транспортёр ишга туширилиб, тўшаманинг қирқиб олинган қисимларилентали стоционар бичиш машинасига ўтказилади. Бўндай агрегатнинг афзаллиги шунингдек, қисмлари бир жойдан иккинчи жойга ўтаётганда нари-бери сурилиб ёки қийшайиб кетмайди.

Транспортёри столлар ишлатилганда стоционар бичиш машинаси, одатда, бичиш столининг бўш учига яқин жойга қўйилади. Фабрикага рулон, той ёки тах-тах бўлиб келган газлама 1 суппача тагликлар 2 га солинади. Газлама ортилган суппача тагликлар электор штабелёр з ёрдамида жадвалларга ўрнатилади. Суппача тагликлар жавонларидан электр

штабелёр ёрдамида нүқсон топиш машинаси 4 га, ундан кейин эса ҳам қайси түп алоҳида ўлчаш машинаси 5 га ўтказилади. Нүқсон топиб ва ўлчаб бўлинган газлама ўзиорар аравачалар 6 ёрдамида элеватор 7 га ортилади. Элеваторлар қатори бўйлаб ўрнатилга транспортёр 8 туширилган рулонларни ўлчаб-қирқиши машинаси 9 га ўтказиб беради. Бу машинада Аниқ узунликда кесилган газлама бўлаклари механизациялаштирилган тўшаш столи 10 га ўтказилади. Тўшама тайёр бўлгандан кейин қирқиши столи 11 га берилади. Тўшаманинг қирқиби олинган қисимлари қирқиши столи устига қопланган транспортёр ёрдамида лентали бичиш машинаси 12 га ўтказилиб, унда текислаб қирқилади.

4-Маъруза **Мавзу: Газламаларни бичиш.**

Режа:

1. Тўшаш усуллари ва уларга қўйиладиган талаблар
2. Газламаларни бичиш меъёрий хужжатлар.

Назорат саволлари:

1. Тикувчилик саноатида ишлатиладиган тўқимачилик материаллари хусусияти ва тузилиш (структуря) жиҳатидан қандай бўлади.
2. Конструкция жиҳатидан хилма-хил қайчилар ва арралар ишлатиб, газламани бичишнинг қандай усули кенгроқ тарқалган.
3. Пичноф тифини чархлаш ва қирғофини тўқиши автоматлаштиришда қандай самарадорликка эришилмоқда.
4. Диск пичноғли ЭЗДМ-1 кўчма бичиш машиналари нима учун мўлжалланган.

Адабиётлар

1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1989
2. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1994
3. Негматова Ф.У. «Тикувчилик технологияси» Т. 1999 маъруза
матни
4. Труханова А.Т. «Енгил кийим технологиясидан расмли кўргазма»
5. Комилова Х.Х., Хамраева Н.К. «Тикув буюмларини
конструкциялаш.» Молия нашриёти, Тошкент, 2003.
6. +улинжанова Г.+., Мусаева С.С. «Енгил саноат маҳсулотлари
технологияси» Т. 2002
7. Абдуллаева +.М., Бобоханова Х.Ш. ва бошқалар. «Бичиш тикишни
ўргатиш методикаси». Т. 2007

Тикувчилик саноатида ишлатиладиган түқимачилик материаллари хусусияти ва тузилиш (структуря) жиҳатидан хилма-хил бўлади. Тикиладиган кийимлар ассортименти ҳам турли-тумандир. Шунинг учун газламаларни бичиш усули ҳам бир ҳил бўлади. Газламанинг хусусиятларига, бичиш усулларига, корхонанинг турига қараб, бир вақтда неча қават газламани баровар қирқиши мумкинлиги аниқланади. Бундай қаватлар сони биттадан 250 тагача бўлиши мумкин. Газламалар бичилаётганда, кўпинча, тўшамаларни олдин секциялардаги деталлар қирқиб олинади. Кейинги вақтларда кийим деталларини ўйиб оладиган пресслар ишлатила бошлагани муносабати билан газламани тўғридан-тўғрирулондан бичиб олишга ҳаракат қилинмоқда.

Газламанинг бичишнинг икки хил усули; газламани универсал асбобда бичи ва маҳсус асбобда бичишусуллари бор.

Конструкция жиҳатидан хилма-хил қайчилар ва арралар ишлатиб, газламани бичишнинг универсал усули кенгроқ тарқалган. Бундай усулда тўқимачилик материалларининг ҳар қандай фасон ва ҳар қандай размердаги кийимларга мўлжаллаббичавериш мумкин. Бунда бир хил кийимларни бичишидан иккинчи хил кийимларни бичишга ўтишда бичиш ускунаси ҳам, қирқиши асбоби ҳам ўзгартирилмайди.

Универсал асбобда газлама бичишнинг энг асосий афзаллиги ҳам анна шундан иборат. Универсал усулнинг камчиликлари шуки, бунда кийим деталлари аниқ бичиб олинмай, балки кенгайтирироқ қирқилади ва бичиш жараёнинг ўзидан олдинги ишлар, қаватларни тўшаш ва текислаш кўп меҳнат талаб қиласди.

Оммавий тикишнинг ривожланиши, тикувчилик фабрикаларининг ихтисосланиши, меҳнат унимдорлигини янада ошириш ва тикувчилик маҳсулотлари сифатини яхшилаш зарурати газлама бичишнинг самаралироқ усулларини топишни талаб қиласди. Натижада газлама бичишнинг янги-янги усуллари, жумладан, прессларда ротацион қурилмаларда ва бошқа ускуналарда маҳсус асбоблар ёрдамида бичиш усуллари пайдо бўлди.

Тикувчилик саноатида газлама бичишнинг бундай усуллари ишлатилганда, тўшаш билан бичиш операциялари бир вақтда бажариладиган бўлса, материалларнинг кўпроқ тежаш ва меҳнат унимдорлигини кўпроқ ошириш мумкин бўлади.

Бироқ бундай усулларда бичилганда, асбоблар тури ниҳоятда кўпайиб, уларга кетадиган харажатлар ортади, чунки бунда ҳар бир шакил ва ҳар бир размердаги кийимнинг ҳар қайси детал учун биттадан асбоб лойиҳалаш ва тайёрлаш, газлама бичишнинг Бирон усулидан бошқасига ўтиш учун янги асбобни ўрнатиш ва уни узоқ вақт ишга мослаш керак бўлади. Шу сабабли, мутлоқо табийки асбобларга кетган харажатлар уларнинг кўп вақтгача чидаши ва материалларни тижаш хисобига қоплансанагина газламаларни маҳсус асбобларда бичиш самарали натижада беради.

Ҳозирги вақтда тикувчилик фабрикаларининг кўпчилигига тўшамаларни универсал усулда қирқишида қўйидаги машиналар ишлатилади: кўчма бичиш машиналари (ЭЗМ-2 типадаги вертикал пичноқли ёки ЭЗДМ-1, ЭЗДМ-2, ОМ-3 типидаги диск пичноқли машиналар), стационар машиналар (Рл-4 ва ШВн-03 типидаги лента пичноқли машиналар).

Вертикал пичноқли кўчма бичиш машинаси тўшамани алоҳида қисмларга бўлиш, шунингдек, алоҳида деталларни қирқиши учун ишлатилади. Бу типдаги машиналардан жун, яримжун ва ип газламалар тўшамасининг баландлиги 13-15 см гача етганда ҳам фойдаланилади. Вертикал пичноқли ЭЗМ-2 кўчма машинасининг (7-расм) қирқиши органи қалинлиги 0,8 мм, узунлиги 158 мм ва кенглиги 22 мм пичноқ 1 дан иборат. Машинанинг тик тутқичи 2 га жоланган икки ёни $15\text{--}20^{\circ}$ бурчакли қилиб чархланган тифи тик тутқичдан 8-10 мм олдинга чиқиб туради. Баландлиги 180 мм.ли тик машинанинг платформаси 3 га ўрнатилган. Тик тутқичнинг устида минутига 3000 марта айланадиган электр двигатель 4 бўлади.


Кўчма бичиш машиналари стационар ҳолатда ўрнатилса, уларни лентали бичиш машиналари ўрнида ишлатиш ҳам мумкин.

Вертикал кўчма бичиш машиналарига пичноқ ҳаракати тезлигини кўрсатадиган таксометр ўрнатилса, қирқиши тезлигини керагича ўзгартириш мумкин бўлади. Бунинг зарурати, шунингдек, масалан, синтетик толалардан тўқилган газламалар тез эрийдиган бўлгани учун, бичиш машинаси двигателининг айланиш тезлиги минутига 1800 мартағача камайтирилиши керак бўлади.

Ҳозирги вертикал пичноқли кўчма бичиш машиналарини такомиллаштириш устида ишланмоқда. Бунинг учун электр двигатель подшипниклари автоматик мойланадиган, машина механизмлари газлама чангдан, толалардан, иплардан механик йўл билан тозаланадиган қилинмоқда; машинанинг ичига ип ёки сийрак тўқилган газламалар кириб кетишига йўл қўймайдиган ва газламанинг бичиш сифатини яхшилайдиган қилиб, пичноқ тифининг янгича конструкциялари топилмоқда. Пичноқ тифини чархлаш ва қирвини тўқиши автоматлаштирилмоқда. Бундан ташқари, кўриниши ҳар хил пичноқлардан фойдаланиш устида ҳам иш қилинмоқда. Масалан жуда дағал материалларни кесиш учун дами силлиқ пичноқлар, маҳсус кийимлар тикиладиган қалин газламаларни ва дағал сунъий чармни қирқиши учун дами арасимон, серпардоз газламаларни ва синтетик тола газламаларини қирқиши учун эса дами тўлқинсимон пичноқлар ишлатиш тавсия этилади. Диск пичноқли ЭЗДМ-1 кўчма бичиш машиналари тўшамани алоҳида қисимларга бўлишда ва шакиллари мураккаб бўлган деталларни қирқишида ишлатилади. Бундай машиналардан ич кийимлик ва кўйлаклик ип газламаларни, ипак, юпқа жун ва яримжун газламаларни, шунингдек, астарли газламаларни бичишида фойдаланилади. Бунда тўшаманинг баландлиги 5-7 см дан ортмаслиги кераук. Диск пичноқли бичиш машиналарининг кичикроқлари

күпинча, текислаш қайчилари деб аталади. Улар баландлиги 1-3,5 см түшамаларни бичи шва кийим деталларини текислаб қирқиш учун ишлатилади. Уларда пичноқ дамини чархлайдиган ва майдалайдиган мосламалар бўлади.

ЭЗДМ-1 машинасининг қирқиш органи 120 мм диаметрли, 1,1 мм қалинликдаги диск пичноқ 1 дан иборат. Бу пичноқнинг тутқич катта ясси доирадан иборат бўлгани учун, унда түшамани радиуси кичик траектория бўлганда қирқиб бўлмайди, акс ҳолда қирқилаётган жой яқинидаги участкалар сурилиб кетади. Бу машинанинг платформасига қимирлатмайдиган яни бита пичноқ 2 ўрнатилган бўлиб, у пружина ёрдамида диск пичноқ тифига қисилиб туради. Диск пичноқнинг тифи машинанинг ўзига ўрнатилган қўзғалмас иккита доиравий мослама 6 да чархланади. Диск пичноқ ясси тутқич 3 устига ўрнатилган электр двигатель 4 ёрдамида конус шестернялар воситасида айланади. Тутқич диск пичноқнидан каттароқ диаметрли дискдан иборат бўлиб, машинанинг платформаси 5 га бириклирмаган. Бу машинанинг вертикал пичноқли машинада фарқи, шуни, ундаги пичноқнинг қирқиш тезлиги ўзгармас - 9 м.сек бўлиш мумкин. Бундай машиналар ишлатилади, пичноқнинг диаметри 120 мм бўлса, түшаманинг баландлиги 20-25 мм дан ошмаслиги шартлилигини ва кескин бурилишли ҳамда бурчак жоларини қирқишида түшаманинг пастки қаватлари охиригача қирқилмай қолишини назарда тутиш керак.



7-расм. ЭЗМ-2 вертикал пичоқли күчма бичиш машинаси.

5 - Марьуза

Мавзу: Кийим деталларини елимлаб ёпиштириш.

Режа:

1. Деталларга ишлов бериш жараёнлари.
2. Тикувчилик ишлаб чиқаришни комплекс механизациялатириш ва уларнинг самарадорлигини аҳамияти.

Назорат саволлари.

1. Кийим деталларини елимлаб ёпиширилаётганда газлама билан елим бир-бирига қандай таъсир қиласади.
2. Кўп технологик жараёнларда елимлаб улашнинг афзаллик томонлари қандай.
3. Физикавий ҳолати жиҳатидан қандай бўлади.
4. Енимнинг сифати нималарга боғлиқ.

Адабиётлар.

1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1989
2. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1994
3. Негматова Ф.У. «Тикувчилик технологияси» Т. 1999 маъруза матни
4. Труханова А.Т. «Енгил кийим технологиясидан расмли кўргазма»
5. Комилова Х.Х., Хамраева Н.К. «Тикув буюмларини конструкциялаш.» Молия нашриёти, Тошкент, 2003.
6. +улинжанова Г.+., Мусаева С.С. «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси» Т. 2002
7. Абдуллаева +.М., Бобоханова Х.Ш. ва бошқалар. «Бичиш тикишни ўргатиш методикаси». Т. 2007

Материаларни елимлаб улаш саноат тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Синтетик символалар пайдо бўлгандан буён елимлаб улаш айниқса кенг тарқалди. Кўп технологик жараёнларда елимлаб улашнинг афзалликлари детални бошқа улашга нисбатан катта.

Елимлаш жараёни механик бирлаштиришнинг, сатхлар ўзаро электро статик таъсирининг, баъзи ҳолатларида эса кимёвий реакциянинг умумий натижасидир. Кийим деталларини елимлаб ёпиширилаётганда газлама билан елим бир-бирига таъсир этади. Барча газламалар кучли, қутиблланган моддалардан иборат. Демак, газламаларни ёпиширётганда қутиблланган боғланиш елим ишлатилса, чоклар ўта пишиқ чиқади. Деталларни елимлаб уланганда елимдаги улаш кучи (когизия) ва енимнинг газлама сатҳи ёпиша олиш хусусияти (адгезия) елимлаб уланаётганда газламалар пишиқлиги камроқ мустахкам бўлиши керак. Шундай бўлса, зўриққан вақтда газлама бутун қолиб, еимланган чок ажиралиб кетади.

Елим ва еимлаш материалларининг хусусиятлари

Енимнинг асосий таркибий қисмлари боғловчи, эритувчи қўшимча моддалардир. Енимнинг турига қараб таркибий қисмларнинг ҳаммасидан ёки фақат боғловчи моддадан, шунингдек, боғловчи мода билан эритувчи моддадан ёки боғловчи модда билан қўшимча моддадан иборат бўлиши мумкин. Боғловчи ва қўшимча моддалар еимининг асосини ташкил этади. Бу асос ёмшоқроқ, эластикроқ, юмшалиш ҳарорати пастроқ бўлиши учун, унга

қўшимча пластификаторлар аралаштирилади. Масалан, дибутилфтолат, камфара, канакунжут мойи, глицерин, этиленгликоль, диэтиленгликоль каби бирималар шундай пластификатор бўла олади. Елимнинг асоси юқори эластик, иссиққа чидамли ва совуққа чидамли ҳамда шу каби зарур хусусиятларга эга бўлиши учун унга қоракуя, каолин, тальк бўр сингари тўлдирувчи моддалар қўшилади.

Физикавий ҳолати жиҳатидан елим суюқ, қуюқ, юқори эластик, қаттиқ ва дағал қаттиқ бўлади.

Асоси қиздирилганда суюқланиб, совитилганда яна қотадиган елим термопластик елим дейилади. Асоси қиздирилганда қотадиган елим термореактив елим дейилади. Бундай елимни қотгандан кейин сюолтириб бўлмайди.

Елимнинг сифати уни ташкил этган моддаларнинг сифати ва нисбати билан белгиланади. Елимда ҳар қайси модданинг нисбатини белгилашда йўл қўйиш мумкин бўлган фарқлар ГОСТ ёки ТУ (технические условия – техник шартлар) да кўрсатилган бўлади. Бу фарқлар қандай эканига қараб суюқ елимларнинг ёпишқоқлиги ёки қаттиқ еимлар эритмасининг ёпишқоқлиги, суюқ ва қуюқ елимларнинг концентрацияси, қуриш тезлиги, газламани пишиқ ёпиштириши каби хусусиятлари ҳар хил бўлади. Елим танлашда унинг оммавий кийим тикиш шароитида деталларни улаш талабларига тўғри келадиган бўлишига эътибор қилиш керак. Елимларга қўйиладиган бундай талаблар эса қўйидагилардан иборат: 1) газламаларга нисбатан адгезия юқори бўлиб, чок пишиқ чиқиши; 2) юқори эластиклик; 3) майнинлик; 4) сувга ва кийимларни кимёвий тозалашда ишлатиладиган моддаларга чидамлилик; 5) физик-механикавий хоссаларининг кийим кийиладиган шароитдаги ҳароратга чидамлилиги; 6) ёруғлик ва об-ҳаво ўзгаришларига чидамлилик; 7) қиммат ва дефицит бўлмаслик.

Тикувчилик саноатида еимли материаллар деталларга ўқа қўйишда, деталь четларини пишиқлашда (бахяқатор юритилмаганида ёлғон қавиқ урнига), ёқа, манжет, енг учига қотирмаларини тайёрлашда, кийим этагини букиб ёпиштиришда, борт қотирмаларини тайёрлашда, кийим узелларни еимлаб йиғишида ишлатилади.

Уқа ва қотирмаларга ишлатиладиган материал (хом сурп ёки нотўқима газламанинг бир томонига ПА-54, ПА-548, ПА-12/6/66) елеми суртилган бўлади. Ювиладиган кийимлар (эркаклар ва аёллар кўйлаги, блузкалар) учун ишлатиладиган қотирмаларга юқори босим остида олинган полиэтилен ишлатилади. Бундан ташқари еим ип, ўргимчак уя типидаги еим материал ишлатилади.

Уқабоп елим газламани 300, 301, 302 артикулдаги оқ сурп газламанинг бир томонига йириклиги 0,16-0,5 мм бўлган ПА-54 ёки ПА-12/6/66 елим кукунини қоплаб тайёрланади. Бунда 1 м² газламага 25-30 г елим сарфланади. Енимланган жойнинг ажралишга бўлган қаршилиги 8 Н/см га тенг. Уқабоп газламани 6-14 мм кенгликда қирқиб олинади ва олд бўлак борт четларига, чўнтак оғзига ва бошқа жойларга қўйиб, деталларни чўзилишдан сақлаш учун ишлатилади.

Елим ип – 0,3-0,5 мм қалинликдаги якка ип уст кийим, ёқа, борт, енг учи ва бошқа жойларига қўйиладиган қотирма сифатида ишлатилади.


Ярим жун ва енгил жун газламалардан тикиладиган кийимларнинг деталлар шаклини турғунлаштириш учун нуқталар тарзида йириклиги 0,4-0,5 мм бўлган ПА-548 ёки ПА-12/6/66 елим кукуни қопланган қотирмалик газламалар ишлатилади. Бу материалнинг 1 м² га 15-25 г елим кукуни сарфланади. Енимланган жойнинг ажралишга бўлган қаршилиги 2,5 Н / см дан кам бўлмайди.

8-расмда эркаклар педжагининг деталларига елим қотирма ёпиштирилиши тасвирланган.

Кийим деталларига ишлов бериб турғунлаштириш техника ва технологиянинг янги йўналиши бўлиб, тўғридан - тўғри стабиллаштириш усули дейилади. Тўғридан - тўғри стабиллаштириш технологиясини қўллаш, тикувчилик корхоналаридаги қўшимча қотирмаларни деталга ёпиштириш операцияларини йўқ қилиб, ҳар бир кийимга сарфланадиган 0,5 м² гача қотирма газлама тежаб қолинади.

Енимлаб уланган жойнинг силжишга қарши пишиқлиги катта бўлиб, ажралишга қарши пишиқлиги анча кам. Масалан, ПА - 548 елим смолоси асосида тайёрланган 0,3 мм йўғонликдаги елим ип билан газламани ёпиштиришда силжиш пишиқлиги 15 Н/см бўлса, 0,5 мм йўғонликдаги елим ип қўлланганда силжиш пишиқлиги 81 Н/ см бўлади, бунда енимлаб ёпиштирилган чокнинг пишиқлиги ип билан тикилган чок пишиқлигидан (76 - 88 Н/см) қолишмайди.

Елим билан бириктирилган деталларнинг қаттиқлиги елим сифатига, суртилган қалинлигига, қотирма материалнинг қалинлигига, енимнинг структурасига (сиdirға ёки нуқтали ёпиштирилганига) боғлиқ бўлади. Агарда адипни қайтармасини қавиш операциясида қотрмага сидирға қили белим ёпиштирилса (пилёнка шаклида), деталнинг бирлаштирилган жойининг қаттиқлиги ип билан қавилгандан 5 марта ортиқ бўлади.



8-расм. Эркаклар пиджагига еним қотирма күйилиши.

Еним қотирмаларни прессда ёпиштириш параметрлари 2- жадвалга берилген.

2-жадвал. Еним қотирмаларни ёпиштириш параметрлари.

| Еним | Пресслаш кучи, МПа | Пресснинг харорати °C | Пресслаш давомийлиги, с |
|--|--------------------|-----------------------|-------------------------|
| ПА-548, ПА-54 енгил газламалар, ўрта, қалин газламалар | 0,1-0,2 0,3-0,5 | 150-160 150-160 | 20-40 20-40 |
| ПА-12 АКР енгил газламалар | 0,1-0,2 | 130-140 | 15-30 |
| Ўрта ва қалин газламалар | 0,3-0,5 | 130-140 | 15-30 |

Елим плёнка – термопластик полиэтилен енимдан тайёрланадиган материал. Бу материални маҳсус машинада 3-6 мм кенгликда кесиб олинади, кейин уланадиган деталлар четига маҳсус МПП-1 ёки ППТ-2 машинасида ёпиштирилади. Кейин елим плнка ёпиштирилган детал пиджак ёки пальто ёқаси, енг учи, чўнкак қопқоғи ва хакозо ярим автомат аппаратда йиғилади.

Елим или елим плёнка қараганда қўйдаги авзалликларга эга:

1. Елим ипини деталга қўя бориш учун маҳсус машиналар керак бўлмайди.
2. Чокнинг кенглиги кам эканлиги унинг сифатига яхши таъсир қилади.
3. Бир метир узунликдаги чокка сарифланадиган елим ипининг нархи плёнка нархидан арzon.

6-маъруза

Мавзу: Кийим деталларини пайвандлаш.

Режа:

1. Кийим деталларини параллел пайвандлаш.
2. Ультратовуш билан пайвандлаш.

Назорат саволлари:

1. +издирилганда синтетик материалларнинг хусусияти қандай бўлиши керак.
2. Кетма-кет пайвандлаш учун тикиш машиналарини қандай конструкциялаш керак.
3. Пайвандлашда жараёнларни қандай механизациялаштириш керак.
4. +издирилганда синтетик материалларни хусусияти қандай бўлиши керак.
5. +айси материалларни пайвандлаш мумкин.
6. Пайванд чокларининг қандай турлари бор.

Адабиётлар.

1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1989
2. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1994
3. Негматова Ф.У. «Тикувчилик технологияси» Т. 1999 маъруза матни
4. Труханова А.Т. «Енгил кийим технологиясидан расмли кўргазма»
5. Комилова Х.Х., Ҳамраева Н.К. «Тикув буюмларини конструкциялаш.» Молия нашриёти, Тошкент, 2003.
6. +улинжанова Г.+., Мусаева С.С. «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси» Т. 2002
7. Абдуллаева +.М., Бобоханова Х.Ш. ва бошқалар. «Бичиш тикишни ўргатиш методикаси». Т. 2007

Кимёning ривожлана бориши кўп меҳнат тежаш ва табий материаллардан кўра яхшироқ материаллар яратиш имконини бермоқда. Кийим тикишга мўжжалланган, физик-кимёвий таркиби жихатидан хилма-хил газламаларнинг пайдо бўлиши кийим ишлаб чиқириш билан боғлиқ бўлган муайян муаммоларни юзага келтириди. Булардан бири меҳнат ва ускуналар иш унимини пасайтирмай туриб, Янги сентитик материаллардан кийим тайёрлаш муаммосидир. Бу муаммони хал қилишнинг янги илфор усувларидан бири кийим деталлари ва узелларини пайвандлаб улаш усулидир.

Термопластик материаллардан бичилган икки ёки бир деталларни иссиқлик ва босим таъсирида бир-бирига улаш жараёнини пайвандлаш деб аталади.

Пайвандланган чок ҳеч қандай бегона модда аралаштирилмай ҳосил қилинади. Унинг елимлаб улашдан фарқи ҳам ана шунда. Пайвандлаб тайёрланадиган кийимларга қўйидагилар киради: плашлар, ёпинғичлар, шунингдек, турли касбдаги ишчилар учун пешбанд, енглик касб маҳсус кийимлар.

Ип билан тикиш ўрнида пайвандлаш ишлатилса, уланган жойлар сифатлироқ чиқади. Ёқа, манжет, чўнтак қопқоқлари каби деталларни ишлашда баъзан чок ҳаққини камроқ чиқариш ҳисобига газламадан ҳатто иқтисод қилиб қолиш ҳам мумкин. Пайвандланганда жараёнларни комплекс механизациялаштириш, айрим детал ва узеллар тайёрлайдиган паток қаторлари барпо этиш, Бўлажак кийим деталларини параллел ишлаш усувларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Бирор ускунадан деталларни пайвандлаш усули билан ишлашни айнан шундай ускунада елимлаб улаш усулитга солиштирилса, елимлаб улаш учун 30-бо с, пайвандлаш учун эса 2-3 с кетади. Ундан ташқари, пайвандланганда елим ҳам, уни уланадиган деталга суркаш жараёни ҳам керак бўлмай қолади.

+издирилганда синтетик материалларнинг хусусияти қандай бўлиши уларни ташкил этган толалари ҳосил қилишда ишлатилган бошланғич маҳсулотларнинг физик-кимёвий тузилишига боғлиқ. Пайвандлаш тартиби синтетик симолаларнинг ва улардан олинган толаларнинг қандай ҳароратда юмшаш ва суюқланишига қараб белгиланади. Маълумки турли материалларнинг иссиқлик ва электор үтказувчанилиги ҳар хил бўлади. Шунинг учун бу материалларни ташкил этган полимерларни ёпишқоқ чўзилувчан ҳолатига келтириш учун, турли миқдорда иссиқлик энергияси сарфлаш керак бўлади. Полимер материаллардан олинадиган синтетик толаларнинг кўпчилиги термопластик бўлади. Материалларни пайвандлаш синтетик толаларнинг ана шу хусусиятлардан фойдаланилади.

Пайвандлаш жараёнида иссиқлик тасир этаётган мода юқори эластик ҳолатдан тўғридан - тўғри ёпишқоқ-чўзилувчан ҳолатга ўтади. Пайвандланаётган материаллар эса олдин суюқликка айланиб, кейин ёпишқоқ

- чўзилувчан ҳолатга ўтади. Тикувчиликда пайвандлашнинг материалларни пайвандлашдан фарқи ана шунда.

Тикувчиликда термопластик материаллардан буюмлар ишлаб чиқаришнинг асосий усулларидан бири пайвандлаш усулидир. Бундай материаллар ҳам, уларни пайвандлаш ҳам ниҳоятда хилма-хил. Булардан энг яхшиси ўрганиб чиқилган плёнка материалларни пайвандлашdir. Бундай плёнка материалнинг хусусияти, унинг қандай усул билан ҳосил қилиниши, полимернинг юмшаши ва эриш ҳолати, пайвандлаш зонасида пишиқ ип ҳосил қилиш учун зарур бўлган босим, пайванд қилинаётган плёнкаларни ёпишқоқ-чўзилувчан ҳолатига келгунча қанча вақт қиздириш кераклиги ва плёнканинг қалинлиги каби омиллар пайванд чок ҳосил бўлишига таъсир этади. Термопластик материалларнинг суюқланиш ҳолати яққол кўзга ташланадиган бўлмайди ва улар қиздирилганда эластик ҳолатидан аста-секин ўта боради.


Бир хил полимерлар (полиэтилин, полиэтилентерефталет, полиамиллар) бир-бирига жуда яқин ҳароратларда, бошقا хил полимерлар (масалан, полихлорвинил) эса бир-биридан анча фарқ қиласидиган ҳароратларда пайвандланади. Лекин бу иккала ҳолда ҳам пайвандланиш жараёни юмшаш ҳароратидан юқори ва суюқланиш ҳароратидан пастда содир бўлади.

Материаллар юмшай борган сари иссиқлик ва босим таъсирида пайванд бўладиган материаллар (плёнкалар) бир-бирига тегиб турган сатҳлари бўйлаб пайванд чок ҳосил қиласиди. Ҳозир тикувчилик саноатида фақат уч хил пайвандлаш усули қўлланилади: электр қиздириб пайвандлаш, юқори частота ток билан пайвандлаш, ультратовуш билан пайвандлаш.

Электрда қиздириб пайвандлаш усулида қиздирилдиган асбоблар фақат иссиқлик ташиш вазифасигина эмас, балк пайвандланиш жойига босим бериш вазифасини ҳам бажарилади. Пайваланадиган сатиҳларга босим бериш учун кўпинча маҳсус роликлар, ленталаришлатилади.

Электрда қиздириб пайвандлаш икки хил бўлади: кетма-кет пайвандлаш ва параллел пайвандлаш.


Автомат бўлмаган ёки автомат универсал машиналарда электрда қиздириб кетма-кет пайвандланади. Уларда қиздирувчи элемент сифатида ролик, лента ёки кавшарлагич ишлатилади. Ролик ёрдамида электрда қиздириб пайвандлашнинг схемаси 9-расмда берилган. Бу расмдаги а-схемада пайвандланадиган плёнка сурила боради, б-схемада эса қиздирилган роликлар бор каретка бориб келиб туради. Бундай схемада асосан кетма-кет пайвандаладиган универсал тикув машинаси принципидаги машиналар ишлайди. Бу машиналарда деталларнинг эгри контурлари бўйлаб пайвандлаш мумкин. Чоклар кийим деталлари контурига мос, эгрилик радиуси хил бўлиб чиқа олади.



9-расм. Юқори частотали ток билан пайвандлаш.

Юқори частотали ток билан пайвандлаш усули юқори частотали ток (ЮЧТ) электр майдонида амалга оширилади. Юқори частотали ток электр майдони электродлар орасида ҳосил бўлади. Бу электродлар Айни вақтда қисқичлик ва босим берувчи вазифасини бажаради. Пайванд қилинаётган материалнинг хажмидаги диэлектрик йўқотишлар натижасида ўзаро тегиб турган сатхлар чегарасида пайвандлаш учун зарур.

Кетма-кет пайвандлаш учун пайвандлаш агрегатлари тикиш машиналари принципида конструкция қилинади. Электрод илгарилама қайтма харакат қилиб турадиган машиналарда пайвандланадиган материални роликлар ёки рейка суриб туради. Чокни эса қисқа электрод ҳосил қиласи. Роликлар материални вақти - вақтида суради, харакатланадиган электрод эса материал тўхтаган вақтда унга тегади. Бу электродга 30-50 МГц частотали уланган бўлади. Юқори частотали ток уланган бўлади. Юқори частотада қиздириб пайвандлаш усулининг схемаси 10-расмда берилган.



10-расм. Юқори частотада қыздыриб пайвандлаш частотаси.
1-электродлар; 2-пайвандланадиган плёнкалар; 3-қизиши зонаси.


Параллел ишлешүү усул билан прессслаб пайвандлаш тепа электродлари маълум шакилда бўлган пайвандлаш агрегатларида бажарилади. Пайвандлаш пресининг тезлиги катта бўлиб, пайвандлаш цикли 0,5-2,0 с давом этади. Кейинги вақитда тикувчилик буюмларини аплекациялар (қоплама безак) ва бошқа йўллар билан безашда юқори частотали ток билан пайвандлаш оддий, тежамли ва ишончли усул эканлиги маълум бўлди. Тажрибада кўрсатишича, бу усулда аёллар ич кийимини безашда кенг фойдаланиш мумкин. Бундай безаш

усули болалар кийимларини, эркаклар спорт кийимларини, күрпа-ёстиқ жилдлари ва хокозоларни безашда ишлатиладиган бўлади.


Ультратовуш билан пайвандлаш жараёнида иссиқликни узатиш усулларидан бири ультратовуш частотали эластик тебраниш тарқатишидир. +аттиқ жисимда ультратовуш тарқалиши қаттиқ жисимнинг айрим жойлари тебраниб, дефармацияланишдан иборат. Тебранаётган жисим шу тебраниш энергиясини ютиб, уни иссиқлика айлантиради. Ультратовуш частотали тебранишлар бир-бирига тегиб турган деталлар орқали ўтаётганда шу тебранишларнинг механик таъсирида тўлқинланиши тахсирида пайвандланади.

Агар иссиқлик исталган усулда қиздирилган электродлардан чиқаётган ва пайвандлашучун плёнканинг бутун қалинлигига иссиқ ўтказиш зарур бўлса, унда дағалроқ чок хосил бўлади. Бир-бирига тегиб турган сатҳларнинг ҳароратини пайвандланиш даражасига етказиш учун электрнинг ҳарорати пайвандлаш ҳароратидан юқори бўлиши керак. Электрод материалга тегиб турган жойдаги ҳарорат эса атрофдаги мұхит ҳароратига teng бўлиши зарур. Акс ҳолда электродларнинг ўзи қизиб кетиб, пайвандланиш ҳарорати ҳам ортиб кетиши мумкин. Ультратовуш частотали тебранишларни ҳосил қили шва уларни материалга узатиш қуйидаги схемада бўлади (11-расм). Вибратор 1 юқори частотали электр энергиясини ўзакнинг ультратовуш частотали механик тебранишига айлантиради.

Амплитудаси ниҳоятда кичик тебранишлар вибиратордан концентратор 2 га ўтади. Концентратор маҳсус конструкцияда ясалганлиги учун механик тебранишни кучайририб, пастги учига йиғади. Тебранишлар концентратор учидан (концентраторнинг учи электрод вазифасини ҳам ўтайди) термопластик материал 3 га ўтади. Материал кўтаргич-таянч 4 устига қўйилган бўлади. қайтаргич эса стол 5 устига қўйилган бўлади. Босимни электрод (расмда кўрсатилган сингари) юқоридан ёки столнинг сатҳи пастидан ҳосил қилиш мумкин. Термопластик толалари бор газлама ёки трикотаж кийим деталларини улаш, шунингдек, безак баҳяқаторлар босиш учун БШМ машинаси (безниточная швейная машина-ипсиз тикиш машинаси) ишлаб чиқилган. Бу машинада жуда кўп хил баҳяқаторлар ҳосил қилиш мумкин (12-расм).




11-расм. Ультра-төвүш билан пайвандлаш схемаси.



12-расм. Пайвандлаш машинасида ҳосил қилингигин баҳяқатор.

Материаллар рейка ёрдамада муаян м.мин тезликда сурилади. Машина асosий валининг айланиш частотаси 1900 мин^{-1} , пайванд бахялар йириклиги 5 мм гача, бахяқаток кенглиги 5,5 мм гача. Ультротовуш генераторининг қуввати 200-400 Вт, тебраниш частотаси 22 кГц.

Параллел ишлов берадиган ультратовуш частотаси ишлайдиган машинага япон фирмаси қурилмаси мисол бўлиши мумкин (13-расм).



13-расм. Ултъратовуш частотада ишлайдиган JUS-1 машинаси.

Бу машина синтетик толалари камида 65 % бўлган газламада изма ясашга мўлжалланган.

7-маъруза.

Мавзу: Кийимларни намлаб-иситиб ишлов бериш.

Режа:

1. Кийимларни намлаб-иситиб ишлов беришни вазифаси ва моҳияти.
2. Иssiқлик, намлик ва босим таъсирида турли газламаларнинг

Назорат саволлари:

1. Кийим тикиш технологик жараёнида намлаб-иситиб ишлашда қандай ўрин эгаллайди.
2. Намлаб-иситиб ишлашни қандай аҳамияти бор.
3. Намлаб – иситиб ишлашда қандай асбоб-ускуналар ишлатилади.
4. Намлаб-иситиб ишлашнинг қандай операциялари бор.
5. Буғли-ҳаво манекени қандай иш бажаришга мўлжалланган.

Адабиётлар.

1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1989
2. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1994
3. Негматова Ф.У. «Тикувчилик технологияси» Т. 1999 маъруза матни
4. Труханова А.Т. «Енгил кийим технологиясидан расмли кўргазма»
5. Комилова Х.Х., Ҳамраева Н.К. «Тикув буюмларини конструкциялаш». Молия нашриёти, Тошкент, 2003.
6. +улинжанова Г.+., Мусаева С.С. «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси» Т. 2002
7. Абдуллаева +.М., Бобоханова Х.Ш. ва бошқалар. «Бичиш тикишни ўргатиш методикаси». Т. 2007

Кийим тикиш технологик жараёнида намлаб-иситиб ишлаш анчагина ўрин олади. У тикувчилик буюмларининг сифатига катта таъсир кўрсатади. Бундай ишлаш ёрдамида кийимга маълум шакл берилади ва унинг кўриниши яхшиланади.

Намлаб-иситиб ишлаш ёрдамида тикувчилик буюмларини маълум шаклга киритиш ва безаш кийим тикишга кетадиган вақтнинг анчагина қисмини олади. Масалан, уст кийим тикишга кетадиган умумий вақтнинг 20-25 фойзини намлаб-иситиб ишлаш операцияларига сарфланади.

Маълумки, газламадаги иплар унда бўйига ва кўндалангига жойлашган, ўзаро ҳар хил чалишган бўлиб, газламанинг турли қатламларида бўлиши мумкин. Газламанинг тузилиши шундай бўлганидан толалар унинг юзида ёки ичкарисида бўлиб, уларда чийралиш, чўзишиш ва қисилиш кучланишлари бўлади (бу кучланишларга толаларнинг чийратилганлиги ва ипларнинг бир-бирига чалишганлиги сабаб бўлади).


Газлама бирор шаклга киритилаётгандын ипдаги толалар ўсимликлардан ёки ҳайвонлардан олинган, сунъий ёки синтетик эканлигини, ҳисобга олиш лозим. Намлаб-иситиб ишлашда газламадаги толаларнинг молекуляр боғланишларини бўшашибдириб юборадиган шароит сунъий йўл билан яратилади. Шунда етарли даражада турғун деформация бўлишига эришиш эҳтимоли ва имконияти кескин ортиб кетади. Ишлаб чиқаришда бу мақсадга эришиш учун иссиқлик ва намлиқдан фойдаланадилар. Ҳар қандай жисм қиздирилса, ундаги молекулаларнинг кинетик энергияси кучайиб, натижада молекуляр боғланиш бўшашибади. Тўқувчиликдаги аморф (шаклсиз) полимер толалар уч хил физиковий ҳолатда бўлади. Булар шишасимон, юқори эластик ва ёпишқоқ - чўзилувчан ҳолатлардир. Бу ҳолатларнинг ҳар бирига муайян физик хоссалар комплекси мос келади.

Полимерларнинг ҳолатини, кўпинча, уларнинг деформацияла-нишини ўрганиш йўли билан баҳолайдилар.

Паст ҳароратдаги (тикувчилик материаллари учун ҳарорат одам баданининг ва атрофдаги ҳавонинг ҳароратидир) шишасимон ҳолатда деформация кам ва йўқоладиган бўлади. Юқори ҳароратдаги ёпишқоқ - чўзилувчан ҳолатда деформация катта, йўқолмайдиган бўлади. Бунинг сабаби полимернинг юмшаб оқишидир. Полимерларга хос юқори эластиклик ҳолати шишасимон ва ёпишқоқ-чўзилувчан ҳолатлар орасидаги бирорта ҳарорат оралиғига тўғри келади.

+издирилганда полимер шишасимон ҳолатдан юқори эластиклик ҳолатига ўтаётгандын деформация аста-секин орта борса ҳам, лекин у бари бир йўқолади. Юқори молекуляр полимер материаллар деформациясининг ҳароратга қандай боғлиқ экани 14 -расмда кўрсатилган.

Юқори эластиклик ҳолатида (T_w ва T_c орасида) ҳарорат ёпишқоқ - чўзилувчан ҳолат бўладиган даражага етгунча, ҳарорат кўтарилиши натижасида деформация кам ўзгаради. Демак, намлаб-иситиб ишлаш жараёнида материалларни қиздириш T_w дан T_1 гача бўлган ҳароратлар оралиқида бўлиши керак. T_1 дан ортиқ қиздириш эса тамомила фойдаси, чунки бунда деформация ортмай туриб, вақт ва энергия сарф бўлади. Ҳароратларнинг бундай оралиғи жун учув 35 дан 110°C гача. Намлаб иситиб ишлашда турғун деформацияга эришиш учун ип газламаларни 50 дан 100°C гача, лавсан аралаш газламаларни бо дан 100°C гача қиздирса бўлади. Бироқ намлаб-иситиб ишлаш натижасини фақат газлама ортиқча намлиқдан хосил бўлгандагина сақлаб қолиш мумкин. (14-расм).



14-расм. Юқори молекуляр полимер материаллар деформациясининг ҳароратга боғлиқлиги.

Юқорида кўрсатилган уч хил физик ҳолат бўйича аморф полимерлар учун бир хил бўлмайди. Тўқимачиликдаги табиий толалар фақат икки хил физиковий (шишасимон ва юқори эластик) ҳолатда бўлиши мумкин, чунки уларнинг юмшаб-оқиш ҳароратлари кўйиш ҳароратларидан юқоридир.

Соф целлюлоза фақат шишасимон ҳолатда бўлиб, ҳарорат қўйиш даражасига етгунча ҳам юқори эластик ҳолатга ўтмайди. Целлюлозада ҳамма вақт ҳаводан шимилган сув бўлади, шунинг учун уни соф полимер ҳисоблаб бўлмайди.

Тикучилик буюмларини намлаб-иситиб ишлаш вақтида уларга механикавий таъсир кўрсатиб, керакли деформацияга эришиш мумкин. Бунда релаксацион ҳодиса юз беради. Ҳарорат юқори бўлса, релаксация шу қадар тез юз берадики, деформация ўзининг энг катта даражасига бир онда етиб қолади. Ҳарорат пасайган сари релаксион жараён секинлаша бориб, бутунлай йўқолади. Бу намлаб-иситиб ишлаш жараёнида ҳосил қилинган шакллар, тахламалар, кийим четлари юпқалиги ва бошқаларнинг узоқ вақт сақланиб туришига ёрдам беради.

Газламаларнинг юқори ҳарорат таъсирига чидамлилиги газламанинг иссиқбардошлиги деб аталади. Газламанинг иссиқбардошлигига намлаб-иситиб ишлаш вақтида турли омиллар таъсир этади. Полимернинг кимёвий тузилиши, молекулалар орасидаги ўзаро таъсир интенсивлиги, газлама қиздирилаётган муҳит газламанинг иссиқбардошлигига таъсир этадиган асосий омиллардир.

Намлаб-иситиб ишлаш жараёни учун толаларнинг иссиқбардошлиги айниқса катта аҳамиятга эга, чунки намлаб-иситиб ишлашда худи шу толаларнинг иссиқ бардошлиги асосан оптималь режим танланади. Бироқ намлаб-иситиб ишлаш сифатига тикувчилик буюмларининг қанчалик намлиги ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. масалан, жуннинг хусусиятлари сув ва буғ муҳитда кескин ўзгаради.

Кимёвий толалар кўпчилигининг иссиқбардошлиги катта бўлмайди. Вискоза толаларидан тикилган буюмлар 100°C гача бўлган ҳароратларга қисқа вақт чидай олади. Бундай ҳароратларда намликтинг бир қисми чиқиб кетиши сабабли вискоза толаларининг пишиклиги бир қатар ортади.

Лавсан кўпроқ қўшилган газламалар ўз хоссалари жиҳатидан тикувчилик саноатида маълум бўлган бошқа материаллардан фарқ қиласди.

Лавсан- термопластик тола. У $235\text{-}245^{\circ}\text{C}$ да юмшайди. $260\text{-}265^{\circ}\text{C}$ да эса эрийди. Шунинг учун лавсан аралашган газламаларнинг намлаб-иситиб ишлашда ҳосил қилинган Янги шакилларни сақлаб қолиши учун оптималь ҳарорат буғ билан стабиллашда 126°C ва қуруқ стабиллашда ҳаво ҳорати $200\text{-}235^{\circ}\text{C}$ ҳисобланади.

Маълумки, газламаларни стабеллаш жуда мураккаб ва ҳали етарли даражада ўрганилмаган жараён. Бироқ толалар қиздириш жараёнида эмас, балки қизигандан кейин совитилаётганда стабеллашуви ҳозирдаёт маълум. Совиш қанчалик тез ва температура қанчалик паст бўлса, стабеллашиш шунчалик яхши бўлади.

Демак, намлаб-иситиб ишлаш жараёнида лавсанли газламалар толанинг ёки газламанинг стабеллашиш ҳарортибан ортиқ қиздирилиб юборилса, газлама киришиб кетади, чунки тикувчилик буюмларига, одатда, уларни чўзмасдан ва тез совутмасдан ишлов берилади. Агар лавсан толаларининг бўёғи юқори ҳароратга чидамли бўлмаса, намлаб-иситиб ишлаш вақтида газлама ранги ўзгариши ва унда ҳар хил доғлар пайдо бўлиши мумкин. шундай қилиб, газламаларнинг юқорида айтилган хусусиятларини хисобга олиб, мана бундай хулоса чиқариш мумкин; намлаб-иситиб ишлаш жараёнида кимёвий тола газлама қиздириш ҳароратининг охирги чегараси газлама толаларининг юқори эластик ҳолатига, иссиқбардошлик ҳароратига, термофиксация ҳароратига, бўёқларнинг чидаш ҳароратига, сув ва буғ муҳитининг ҳароратига боғлиқ бўлади.

8-маъруза.

Мавзу: Тайёр кийимларни узил-кесил пардозлаш.

Режа:

1. Кийимларни узил-кесил операцияларининг мазмунни.
2. Кийимларга сўнгги пардозлаш ва сўнгги намлаб-иситиб ишлаш.

Назорат саволлари:

1. Эркаклар ва ўғил болалар айрим узелларини тикишда бир томонига елим кукуни ёки елим плёнкани ишлатиш усуллари.
2. Бир томонига елим кукуни қопланган газлама деталлари прессда ёки дазмолда қандай ёпиштирилади.
3. Тақилмаларни тикиш усуллари.
4. Українка кўйлагининг яширин тақилмасини тикиш усуллари.
5. Гульфиқда изма жойлари белгиланиши ва измаларни тикилиш усуллари.

Адабиётлар.

1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1989
2. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1994
3. Негматова Ф.У. «Тикувчилик технологияси» Т. 1999 маъруза матни
4. Труханова А.Т. «Енгил кийим технологиясидан расмли кўргазма»
5. Комилова Х.Х., Хамраева Н.К. «Тикув буюмларини конструкциялаш.» Молия нашриёти, Тошкент, 2003.
6. +улинжанова Г.+, Мусаева С.С. «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси» Т. 2002
7. Абдуллаева +.М., Бобоханова Х.Ш. ва бошқалар. «Бичиш тикишни ўргатиш методикаси». Т. 2007


Эркаклар ва ўғил болалар айрим узелларини тикишда бир томонига елим кукуни ёки елим плёнка қопланган қўшимча қатlam, шунингдек ёпишқоқ бўлмаган, лекин қотириб турадиган маҳсус эритма шимдирилган қўшимча қатlam ишлатилади. маҳсус эритма шимдирилга қўшимча газлама ип газламадан тикилган кўйлаклар ёқасига, манжетига, тақилмаларга қўйилади. Сидирға газламадан тикилган кўйлакларда елим плёнкали ёки маҳсус эритма шимдирилган қатlam, гулли ёки йўл-йўл кўйлакларда эса, бир томонга елим кукуни қопланган қатlam ишлатилади.

Бир томонига елим кукуни қопланган газлама деталлари прессда ёки дазмолда ёпиштирилади. Бундай қўшимча қатlamни асосий деталларга ёпиштиришда пресслаш босими 0,2-0,35 МПа, температураси 160-170° С, пресслаш вақти эса 8-16 сек. бўлади. елим плёнкали қатlamлар намлаб прессланади, елим кукуни қопланган қатlamлар эса намланган прессланади.

+атламни ёпиширадиган дазмол терморостлагичли бўлиши керак. Дазмоллаш ҳарорати $150\text{-}160^{\circ}\text{C}$, дазмоллаш вақти эса 25-30 с бўлади. Кўйлак деталлари одатда моки баҳяқатор ёки икки ипли занжирсимон баҳяқатор машиналарида бириктириб тикилади. деталларни моки баҳяқатор ва занжирсимон йўрмаш баҳяқатор машиналарида ёки ипли занжирсимон баҳяқатор ва учи или занжирсимон йўрмаш баҳяқатор машиналарида бир йўла бириктириб тикиш ва йўрма мумкин.

Эркаклар ва ўғил болалар кўйлагини тикишда бириктирма, бостирма, ёпиқ қирқимли букма, ағдарма, бўртма чоклар ишлатилади. Термопластик тола аралашган газламалардан тикиладиган эркаклар ва ўғил болалар кўйлакларини деталь ва узелларини тикишда ультратовуш ёки юқори частотали ток ёрдамида бажариладига пайванд чоклар ишлатилиши мумкин.

Тақилмаларни тикиш. Остки қопқоқли тақилмаси (15-расм) кўйлакларнинг олд бўлаги моделга мувофиқ қирқилади. Гулли ёки катта кўйлак тақилма қопқоғи билан олд бўлагининг гули ёки катаги бир-бирига мос келтирилади. Тақилма остки қопқоғи олд бўлак ўнг томони кесимининг 0,5 см чок билан уланади. Бунда қапқоқ ўнги олд бўлак тескарисига қаратиб тикилади. Чок кесими томонга ётқизиб қўйилади. Тақилма қапқоғининг ўнги томонига қайриб туриб, унинг ён чети 0,5 см букилиб, букилган зийдан 0,1 см нарида бостириб тикиш билан айни вақитда пастки учи букиб тикилади.




**15-расм. Эркаклар кўйлагининг остки
қапқоқли тақилмасини тикиш.**

Кўйлак олд бўлаги чап томонининг ўнгига қўшимча қатламнинг ўнгига қаратиб кўйлақда ва уларнинг қирқимлари 0,5 см ағдарма чок билан тикилади. Чок тўғриланади. +ўшимча қатлам кўйлак тескарисига қайрилади, деталдан 0,1-0,2 см кант хосил қилиб дазмолланади. +ўшимча қатламнинг

ички чети унинг қирқимларидан 0,5 см нарида универсал машинада бостириб тикилади. Олд бўлак чап томонининг ишлов ҳақи кўйлак тескарисига букилиб дазмолланади. Олд бўлак чап томони ўнг бўлак устига қўйилади ва тақилма кесими тугайдиган жой даражасида кўндалангига тўғри тўртбурчак ҳосил қилиб, бостириб тикилади.

Эркакларнинг «Украинка» деб аталадиган кўйлаклари яширин тақилмали бўлади. (16-расм).




16-расм. «Украинка» кўйлакнинг яширин тақилмасини тикиш.

Бунда олд бўлак кесимининг ўнг томонига қопқоқ уланади, чап томонига эса мағиз қўйилади. (16-расм, а). +опқоқ ҳам, мағиз ҳам 0,5 см чок билан тикилади. олд бўлакнинг ўнг томонидаги қопқоқ кўйлакнинг ўнги томонига чок атрофидан айлантириб ўтказилиб дазмолланади. Мағиз кўйлак ўнги томонига қайрилади, ундан гульфик ҳосил қилиб букилади ва дазмолланади. Олд бўлакка мағиз ҳам, қопқоқ ҳам устки қисмлари ички қирқимини 0,5 см ёпиб турадиган қилиб, қўш игнали машинада тесма бостириб тикилади. +опқоқ пастки учидан 0,5 см, мағиз пастки учидан эса 1 см ишлов ҳақи қолдириб, ортиқаси қирқиб ташланади. Тақилманинг чап томони ўнг томони устига қўйилади. Гульфик тикилган чети томонига кўйлак олд бўлагида тахлама ҳосил қилиб қайрилади ва тақилманинг пастки учини иккита кўндаланг баҳяқатор юритиб пухталанади. биринчи баҳяқатор кесим уни даражасида ўтади, иккинчиси эса учидан 0,5 см пастроқдан ўтади. Тахлама ҳосил қилинмайдиган кўйлаклар олд бўлагининг кесими учидаги

жойи тақилма қопқоғи ва мағиз тикиладиган баҳяқаторлар томонга қиялатиб кертилади. +опқоқ билан мағиз кийим тескарисига ўтказилади ва олд бўлак этагини юқорига қайтариб, тақилма учи иккита қайтма баҳяқатор билан пухталанади. (16-расм, б). Бурчаклари тўғриланади. Кейин тақилма учини тахламали кўйлаклардаги каби ўнг томонидан иккита баҳяқатор юритиб пухталанади.

Гульфикда изма жойлари белгиланади ва измалар махсус машиналарда йўрмаланади. Гульфикнинг ташқи чети измалар орасида мағиз зийидан 0,2-0,3 см нарида чатиб тикилади.


Кесими олд бўлак этагигача тушадиган кўйлак тақилмасини (17-расм) тикиш учун, олд бўлак чап томонига қирқими букилган қўшимча қатлам қўйиб, махсус мосламаси бор қўш игнали машинада бостириб тикилади (17-расм, а) ёки ағдарма чок билан универсал машинада тикилади (17-расм, б). +ўшимча қатламнинг ички чети қирқимидан 0,5 см нарида бостириб тикилади. Олд бўлак ўнг томонининг чети 0,5 см букиб, букилган зийдан 0,1 см нарида универсал машинада тикилади. Бичилганда олд бўлакнинг чети газламанинг милки жойига тўғри келган бўлса, уни букланмайди.



17-расм. Эркаклар кўйлагининг олд бўлак этагигача тушган кесимли тақилмасини тикиш.

+опқоқли тақилмани тикиш (18-расм). Тақилма кўйлак этагигача тушмайдиган бўлса (18-расм, а), устки ва остки қопқоқни олд бўлак кесимининг қирқимига тўғрилаб, қопқоқнинг ўнгини олд бўлак тескарисига қўйиб, бириктириб тикилади. Бириктирма чок ҳақи қопқоқ томонга тўғриланади ёки дазмолланади. Остки қопқоқни олд бўлак ўнгига айлантириб ўтказилади, қирқимларни 0,5-0,7 см кенгликда ичкарига букилади. Олд

бўлакка остки қопқоқ уланган чокни 0,1-0,2 см кенгликада ёпиб турадиган қилиб, қирқимлари тескари томонга букилади ва букилган зийидан 0,1 см кенгликада бостириб тикилади. +опқоқнинг пастки учи 0,5-0,7 см кенгликада ичкарига букилади ва деталь қирқимидан 1 см пастроқда бостириб тикилади.



18-расм. +опқоқли тақилмани тикиш.


Устки қопқоқ олд бўлак ўнгига айлантириб ўтказилади ва моделда мўлжалланган кенгликада қопқоқ ҳосил қилиб букилади. Очик қирқимни 0,5-0,7 см ичкарига букиб, бостириб тикилади. Устки қопқоқнинг пастки бурчаги моделга биноан учбурчак ёки тўртбурчак шаклда букиб, бостириб тикилади. Тақилманинг охирги учи кўндалангига бита ёки иккита баҳяқатор юритиб пухталанади.

+опқоқли тақилма кўйлак этагигача тушадиган бўлса (18-расм, б) устки қопқоқ ва олд бўлак қирқимлари маҳсус булагич юрдамида букилади ва қўшигнали машинади бир йўла иккита баҳяқатор юритиб, бостириб тикади. Олд бўлак ўнг томонининг ишлов ҳақи маҳсус булагич ёрдамида очик ёки ёпиқ қирқимли букиб тикилади.

Устки қопқоқ олд бўлак билан яхлит бичилган бўлса (18-расм, в), олд бўлакни маҳсус мослама булагич ёрдамида қопқоқ кенглигига букиб, қўшигнали машинада бостириб тикилади.

Ўтқазма қопқоқ адипли тақилмани тикиш (19-расм). Олд бўлакнинг белги чизиғи бўйлаб қопқоқни унинг ўнгини олд бўлак ўнгига қаратиб қўйилади. Чап қопқоқ устига қўшимча қатлам қўйиб, қопқоқ олд бўлакка уланади. Олд бўлак баҳяқаторлар орасида қирқилади. +опқоқни унинг ўнгини


ичкарига қаратиб букиб, юқори бурчаги белги чизигигача 0,6 см кенгликтеги ағдарма чок билан тикилади. +опқоқ үнгига ағдарилади ва қопқоқларни бир-бирига түғрилаб тақилма учи күндаланғига иккита баҳяқатор юритиб пухталанади. +опқоқ адип қирқимлари маҳсус машинади йўрмаланади.



19-расм. Ўтқазма қопқоқ адипли тақилмани тикиш.

Кўйлакнинг елка қирқимлари буклагичи бор қўшигнали машинада 0,5-0,7 см ички чок билан тикилади. Улар 0,8 см бириктирма чок билан тикилиб, қирқимлари йўрмаб қўйилиши ҳам мумкин. Эркакларнинг ёки ўғил болаларнинг кўйлаги кокеткали бўлса, уларнинг елка қирқимлари битта баҳяқатор юритиб, қўйма чок билан тикилади. Кокеткалар маҳсус буклагичли универсал машинада бостириб тикилади.

Ёқа тикиш ва ўтказиш. +айтарма ёки тикаётганда қаттиқроқ бўлиши учун устқи ёқа билан остки ёқа орасига ип газламадан қўшимча қатlam қўйилади. Янада қаттиқроқ бўлиши учун эса шу қўшимча қатlam билан остки ёқа орасига яна бир қаватдан 20-расмда кўрсатилган тарзда қўшимча қатlamлар ёпиштирилади. Бу кейинги ёпиштирилган қўшимча қатlamларнинг четлари ёқанинг ағдарма чокига қўшиб тикилмаслиги керак.




20-расм. Ёқанинг қўшимча қатлами устига қўйиладиган иккинчи қўшимча қатлам турлари.

Ёқанинг қайтармаси безак баҳяқаторли бўлса қайтарма детали, унинг ўйли ёки гулини тўғрилаб, четларини текислаб қирқилади. Устки ёқа билан остки ёқа ўнги томонлари ичкарига қаратилиб жуфтланади ва устки ёқа тагига қўшимча қатлам қўйиб, остки ёқа томонидан 0,6 см ағдарма чок билан тикилади. Бурчак жойларда 0,3 см чок ҳақи қолдириб, ортиқчасикесиб ташланади. Ёқанинг ўнги ағдарилади. Ёқа учлари маҳсус мослама ёрдамида тўғриланиб, моделга мўлжалланган кенглиқда безак баҳяқатор юритилади. Ёқанинг икки учи бир-бирига тўғри келтириб букиб, унинг пастки қирқимини текислаб қирқилади.


Ёқа безак баҳяқаторсиз тикиладиган бўлса (21-расм), елим қопланган қатлам юмшоқ қатлам устига о,6 см қўшма чок билан (21-расм, а) тикилади. Бунда баҳяқатор елим қопланган қатлам устидан ёқа қайтармасининг устки

қирқимига параллел тикилади. Ёқа қайтармаси юмшоқ қүшимча қатlam билан бирга остки ёқа томонидан ағдарма чок билан тикилади (21-расм, б). Бунда баҳяқатор қүшимча қатlam қирқимидан 0,6 см масофада юритилади. Кейинги ишлов беришлар безак баҳяқаторли ёқалардаги каби бўлади.




21-расм. Ёқани безак баҳяқаторсиз тикиш.

Ёқа учлари қалин бўлмаслиги учун, ён томондаги ағдарма чок остки ёқа томонига ўтказилади (22-расм, а). Бунда ёқа учлари олдин ағдарма чок билан тикиб олинади, кейин ёқа учларини тўғирлаб олиб, қайтарма томони ағдарма чок билан тикилади.



22-расм. Күттармаси билан қайтармаси яхлит бичилгандын тикиш ва ўмизига ўтқазиш.

Ёқа қайтармасини күттармага, күттармасини эса ёқа ўмизига ўтқазиш (23-расм) учун остки күттарманинг пастки қирқимини қўшимча қатлам томонга букиб, зийдан 0,2-0,3 см кенгликда баҳяқатор юритиб, тикиб олинади. Тайёр ёқа қайтармасини ёқа күттармасининг икки қисми орасига кертиларга тўғрилаб кўйилади ва ёқа қайтармасини күттармага ўтқазиб айни вақтда күттарманинг ён четларини ағдарма чок билан тикилади. Күттарма ўнгига ағдарилиб, чоклар тўғриланади. Устки күттарма ёқа ўмизига ўтқазилади. Остки күттармани букилган зийидан 0,1-0,2 см оралиқда ёқа ўмизига бостириб тикилади, айни вақтда күттарманинг юқори чети ҳам бостириб тикилади.




23-расм. Эркаклар кўйлаги ёқа қайтармасини күттармага, күттармани эса ўмизига ўтқазиш.

+айтармаси билан күтартмаси яхлит бичилган ёқа (22-расм, а, б) ағдарма чок билан тикиб олғандан, кейин құшымча қатlamга ёқа қайтармасининг күтартмага ўтиш чизиғи бўйлаб, ёқа учларига 3-4 см етмайдиган қилиб, елим уқа қўйилади. Бундан кейинги операциялар күтартмаси алоҳида бичилган ёқадаги каби бўлади.

Устки ёқа құшымча қатlam билан бирга ёқа ўмизига ўтқазилади. Остки ёқанинг пастки чети 0,7 см букилади ва устки ёқа ўтқазилган чокни ёпадиган қилиб, букилган зийидан 0,1 см оралиқда бостириб тикилади (22-расм, б) ёки устки ёқани күтартма қирқимини құшымча қатlam томонга букиб, зийдан 0,3 см кенгликда баҳяқатор юритиб, тикиб олинади (22-расм, а). Остки ёқа ёқа ўмизига ўтқазилади ва устки ёқа остки ёқа ўтқазилган чокни ёпадиган қилиб, букилган зийдан 0,1-0,2 см оралиқда ёқа ўмизига бостириб тикилади.

Устки ёқаси адиплар билан бирга бичилган ёқа (24-расм) тикаётгандан адипнинг ички четига бир томони елим күкунли құшымча қатlam қўйиб, адип ҳам, құшымча қатlam ҳам маҳсус мосламали машинада ичкарига букиб тикилади ёки маҳсус машинада иккала қирқимини бирга йўрмаланади. Остки ёқа ўмизига ўтқазилади.



24-расм. Устки ёқаси адиплар билан бирга бичилган ёқани тикиш.

+ўшимча қатлам қўйилган устки ёқа билан адиплар остки ёқа билан олд бўлакка ўнги ўнгига қаратиб қўйилади ва остки ёқа томондан 0,6 см ағдарма чок билан тикилади. Бурчак жойларда 0,3 см чок ҳақи қолдириб, ортиқчаси қирқиб ташланади ва ёқа ўнги ағдарилиб, четлари тўғриланади. Устки ёқанинг пастки чети унинг ўнги томондан ўмиз чизиғи бўйлаб орт бўлакка, елка чокига қадар бостириб тикилади.

Ёқага моделда мўлжалланган кенгликда безак баҳяқатор юритилади.

9-маъруза:

Мавзу: Турли хилдаги деталлар ва кийимларга ишлов беришни ҳамда уларни йиғишни комплекс механизациялаштириш.

Режа:

1. Витачкаларни тикиш.
2. Ёқа тикиш ва ўтқазиш.
3. Борт қотирмасини тайёрлаш. Борт қотирмасини тикиб тайёрлаш.
4. Адип тайёрлаш.
5. Олд ва орт бўлакларни тикиш.
6. Ёқани ёқа ўмизига бириктирма чок билан улаш.
7. Юбка тикиш
8. Юбка тақилмасини тикиш
9. Юбканинг юқори четини тикиш
10. Юбка этагини тикиш.

Назорат саволлари:

1. Витачка турларини санаб ўтинг
2. Ёқа тикиш ва ўтқазишни технологик ишлов бериш усулини кўрсатинг.
3. Борт қотирмасини тайёрлашни кўрсатинг.
4. Олд ва орт бўлакларни тикиш.


Адабиётлар

1. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1989
2. Жабборова М.Ш. «Тикувчилик технологияси» Т. 1994
3. Негматова Ф.У. «Тикувчилик технологияси» Т. 1999 маъруза матни
4. Труханова А.Т. «Енгил кийим технологиясидан расмли кўргазма»
5. Комилова Х.Х., Хамраева Н.К. «Тикув буюмларини конструкциялаш.» Молия нашриёти, Тошкент, 2003.
6. +улинжанова Г.+., Мусаева С.С. «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси» Т. 2002
7. Абдуллаева +.М., Бобоханова Х.Ш. ва бошқалар. «Бичиш тикишни ўргатиш методикаси». Т. 2007

Витачкаларни тикиш.

Витачкалар қирқма, яхлит, бир томонлама ва бир-бирига қаратилган тахламаларга ўта борадиган, ўзи тахламадан иборат бўлиши мумкин. +ирқма витачкалар деталнинг қирқимидан бошлаб 0,7 - 1 см кенгликда чок солиб тика бошланади. Бу чок тобора энсизланиб витачка қирқимидан 1 - 1,5 см нари ўтиб йўқ бўлиб кетади. Яхлит витачкалар уларнинг ён томонлари белгилаб қўйилган чизиқ бўйлаб тикилади. Баҳяқатор витачка учи томон энсизланиб бориб, учига етганда йўқ бўлиб кетади. Яхлит витачканинг тагига аврадан қўшимча газлама қўйиб, ёки авра билан бир хил қалинликда бошқа қўшимча газлама қўйиб ёки қўшимча газлама қўймай тикилиши мумкин.

+ирқма ва яхлит витачкаларнинг ўнги томонидан ёрма чок ёки бостирма чок юритилган бўлиши мумкин. Ёрма чок ёки бостирма чок баҳяқатори витачка бириктирма чокидан қандай моделига қараб, 0,1-0,2 см масофада тикилади. +ирқма витачкаларнинг чоки эса моделда кўзда тутилганига қараб, бир томонга ётқизиб ёки ёриб дазмолланади. Яхлит витачкаларни ёриб дазмоллагандан чок ҳақини витачканинг ўрта чизиги бириктирма чокнинг баҳяқатори устига тушадиган қилиб тўғриланади.




+ўшимча газлама қўйиб тикилган витачкаларни ёриб дазмоллашда, витачка чокини бир томонга, қўшимча газламани иккинчи томонига ётқизиб дазмолланади.

Гавдага ёпишиб турадиган ва сал ёпишиб турадиган кийимларнинг яхлит орт бўлакларини ишлатаётганда, уларнинг бел қисми дазмоллаб кириштирилади. Бунинг учун орт бўлакни ўнгини ичкарига қаратиб, қирқимлари тўғри келтирилиб буқланади ва унинг буқланган жойи зийда солқи бўладиган қилиб столга қўйилади. Ана шу солқиликни ён қирқимлардан бошлаб букилган зийга томон йўналишда дазмоллаб кириштирилади. Кейин столга тегиб турган томонини юқорига қарати, айнан шундай кириштирилади. Зийнинг дазмолланиб қирра бўлиб қолган қисмини дазмоллаб, қирраси ёзиб юборилади.

Ёқа тикиш ва ўтқазиш.

Ёқа ағдарма бўлса, устки ёқа билан остки ёқа ўнги ичкарига қаратилиб жуфтланади ва ён томонлари билан қайтармаси остки ёқа томондан ағдарма чок солиб тикилади. Бурчак жойларида 0,2-0,3 см чок ҳақи қолдирилиб, оптиқчаси қирқиб ташланади. Ёқа ўнгига ағдарилади, учлари ва чоклари тўғриланади, устки ёқадан 0,1-0,15 см кант ҳосил қилиб дазмолланади. Ипак ёки жун газламадан тикилган ёқалар дазмоллашдан олдин зийлари маҳсус машинада кўклаб чиқилади. Ёқа ўмизига мағиз билан бирга ўтказиладиган бўлса, ёқа кўтармасининг қирқимидан 0,5-0,7 см масофада универсал машинада, устки ёқа 0,1-0,2 см солқироқ қолдириб, баҳяқатор юритилади.



Кўйлакнинг ағдарма чокли ёқасини тикиш.

Безак ёқаларда газламанинг қанчалик титилувчанлигига қараб, кўтармасининг қирқими маҳсус машинада йўрмаб чиқилади ёки унга мағиз қўйилади

БОРТ +ОТИРМАСИНИ ТАЙЁРЛАШ.

Борт қотирмаси олд бўлакнинг шакли бузилиб кетмаслиги учун химат қиласи ва тугма қадаш, изма йўрмалашда бортнинг мустаҳкамлигини оширади. Аёллар ва болалар кийимида қўшимча қатлам қўйилмайди. +отирма хажмли шаклда бўлиши учун унда витачкалар тикилади.

+отирма ярим жун, зифир ва ярим зифир елимли ёки елимсиз газламалардан тайёрланади. Ҳозирги пайтда елимли ёки елимсиз нотўқима Сюнт -100, Сюнт-140, Вива, Лийва каби материаллар кенг тарқалган. Бу

материаллар намга, буғга, химиявий тозалашга бардошлиги, берилган шаклни тез оладиган бўлиши керак.

БОРТ +ОТИРМАСИНИ ТИКИБ ТАЙЁРЛАШ.

+отирманинг улоқлари ва витачкаларини универсал машинада ёки синиқ баҳяқаторли маҳсус машинада қўйма чок билан ёки тагига ип газлама парчаси қўйиб, туташтирма чок билан тикилади.

Борт қотирмаси қил қатlam (1) ва елка таглик (2) йиғилаётганида, қил қатlam атрофига ип газламадан чеклама (3) ўртаси қил қатlam қирқимларига тўғриланиб бостириб тикилади.

+ил қатlam қўймай тикилаётганда елка таглик қўйиб, универсал машинада синиқ баҳя қатор юритиб, бостириб тикилади. Кейин борт қотирмаси дазмолда ёки маҳсус ёстиқлари бор прессда намлаб - иситиб кириштириб дазмолланади.

БОРТ +ОТИРМАСИНИ ЕЛИМЛАБ ЁПИШТИРИБ ТАЙЁРЛАШ

Борт қотирмасининг улоқлари ва витачкалари туташтирилиб, елимли газлама парча қўйиб дазмоллаб ёпиштирилади. Адип қайтармали бортларнинг қотирмаси қайтариладиган қисмисиз букилади. Елка таглиги ҳам елим кукуни сепилган қотирма газламадан алоҳида бичилади.

Елимлаб ёпиштиришда йиғиш билан бир вақтда маҳсус ёстиқлари бор прессда борт қотирмасининг керакли шакли ҳосил қилиб борилади. Пресс ёстиқларининг бири қабариқ, иккинчиси ботиқ бўлади. Пресс остки ёстиғига асосий қотирма, қил қатlam ва елка таглик қўйилиб ёпиштирилади. Борт қотирмаси йиғилгандан кейин, унинг адип қайтармаси универсал машинада елимли томонини пастга қилиб 1 см кенглиқдаги қўйма чок билан қотирманинг асосий қисмига уланади.

Борт қотирмасини олд бўлак билан ёпиштириш учун ва борт зийларини чўзилишдан сақлаш учун борт қотирмаси этаги, борт, адип қайтармаси бўйлаб дазмоллаб ёки маҳсус машинада борт қотирмаси қирқимидан 0,5 см чиқариброк уқа қўйилади. Адипи яхлит бичилган бортларда қотирма ва уқа қирқимлари бирлаштириб қўйилади.

АДИП ТАЙЁРЛАШ.

Газламани тежаш мақсадида адип бир неча бўлак қилиб бичилади (бўлаклар сони 3 тадан ошмаслиги керак), сўнгра 904 синф ярим автоматида 0,5 - 0,7 см чок солиб уланади ва ёриб дазмолланади.

Тақилмаси юқоригача бўлган кийимларда кўпинча адип олд бўлаклар билан яхлит, адип қайтармали кийимларда эса биринчи измадан пастки олд бўлак билан яхлит бичилиб, адип қайтамаси қисми алоҳида бичилади.

Астарсиз кийимларда адипнинг ички қирқими маҳсус тасма, астарлик газлама парчаси билан мағиз чок солиб тикилади ёки йўрмаланади. Адипдаги измалар «кўзсиз» ёки «кўзли» бўлади.

ОЛД ВА ОРТ БҮЛАКЛАРНИ ТИКИШ.

Уст кийим деталларини турғунлаштириш ва баъзи фойдаланиш хусусиятларини яхшилаш учун, кейинги йилларда кийимнинг айрим деталлари ёки участкаларига түқима ёки нотўқима материалларга елим қопланган қотирмалар ёпиштириладиган бўлди.

Тикувчилик корхоналарида ғотирмалар ясси ёстиқли маҳсус прессларда ёпиштирилади. Ҳозирги пайтда эркаклар пиджагининг борт қотирмаси икки қават: асосий қотирма ва қўшимча қотирмадан иборат бўлиб, унинг қўшимча қотирма қаватини ўриш иплари асосий қотирманинг ипларига нисбатан 30° ёки 75° бурчак остида бичилган бўлади.

Бундай қотирманинг пиджака ёпиштириш ва шакл бериш ишлари бир вақтнинг ўзида бажарилади. Пресснинг остки ёстиғи устига навбати билан пиджакнинг олд бўлак қотирмасининг асосий қисмини 2 ни, елим қотирма, 3 ни қўйиб, пресснинг ёстигини ёпиб, олд бўлакка шакл бериб, бир йўла ҳамма деталлар бир бири билан ёпиштирилади.

Орт бўлакнинг юқори қисмига ва енг ўмизи атрофига қўйиладиган қотирма кофта ипига нисбатан 45° бурчак остида бичилади.

Бундай қотирма ёпиштирилганда орт бўлак елка қисми бўйлаб, солқи ҳосил қилинмайди ва енг ўмизи бўйлаб уқа қўйишга хожат қолмайди.

Борт қотирмани олд бўлакка ёпиштиришни бошқа 2 усулида пиджакни олд бўлаги 1 га этакни букиш чизифига етқазиб елим қотирма 2 прессда ёпиштирилади. Букиш хақига маҳсус тасма 3 ёпиштирилади. Ярим жун аралашмали борт қотирма 5 нинг адип қайтарма қирқим томонига 20 мм кенглиқдаги елимли парча бостириб тикилади. Елка қисмидаги қотирма 6 вискоз, нитрон ва капрон толаларидан тайёрланган нотўқима материалдан бўлиб, уни бир томонига елим куқун қопланган бўлади.

+ўшимча қотирма 5 ва 6 олд бўлакнинг елка, ёқа, ўмиз ва енг ўмизлари бўйлаб универсал машинада қирқимларидан 3-5 мм оралиқда баҳя қатор юритиб бириктириб олинади. Кейинги пресслаш пайтида бу деталлар бири бирига ёпишади.

Кийим сифатини яхшилашга қаратилган илфор йўналишлардан бири, турли кийимларнинг авра материалига мос келадиган янги материаллардан қотирмалар яратишдир.

Ё+АНИ Ё+А ЎМИЗИГА БИРИКТИРМА ЧОК БИЛАН УЛАШ.

Бириктирма чок билан улаш кўпинчча, аёллар ва қиз болалар кийимида қўлланилади.

Ёқани ўмизга бириктириб чок билан улашда раскар устки ёқа эса остки ёқа томонидан 1 см чок билан бириктириб уланади. Бунда остки ёқа елка чоклари устидан (бўйиннинг ён томонида яхшироқ туриши учун) 0,5 см солқироқ қилиб, ҳар қайси олд бўлакнинг ёқа ўмизида, (ёқа ўмизи қия

қирқимларини чўзилишдан сақлаш учун) 0,5 см солқи ҳосил қилиб уланади, чоклар ёриб дазмолланади. Устки ёқа остки ёқага ёқа кўтармаси ва раскеплар бўйлаб маҳсус 32 кл машинасида бостириб кўкланади. Сўнгра устки ёқа қирқимига астар адипга улаш билан бир вақтда уланади.

Астарсиз кийимларда ёқа ўмизига устки ёқа остки ёқа билан биргаликда адип қайтармаси учидан кертомагача бириктирилиб, қолган қисмига остки ёқанинг ўзи уланади. Елка чоклари орасидаги остки ёқанинг уланган чоки остки ёқа томон қайтариб дазмолланиб, устки ёқани кўтарма қирқими бувланиб, остки ёқа уланган чокни ёпиб 0,2 см чок билан бостириб тикилади.

Юбка тикиш

Юбка тикишда ҳамма бириктирма чокларнинг қиқрқимлари маҳсус машинада йўрмалади. Витачкаларни белгиланган чизиқбўйлаб юқори қирқимдан тика бошлаб, чоки пастга томон аста - секин йўқ қилиб юборилади. Моделда мўлжалланганига мувофиқ витачкаларни ёриб ёки бир томонга ётқизиб дазмоллаб, улар учидаги солқилар кириширилади.

Юбка тақилмаси чокда, тахламада бўлади ёки маҳсус тикилади.


Юбка тақилмасини тикиш

Юбка олд бўлаги тескарисига ёрдамчи андаза қўйиб тақилма четини чизиғи белгиланади. Бу чизиқдан 0,2 см масофада тарангроқ тортиб бўйлама ёки елим уқа қўйилади. Бўйламани олд бўлакка универсал машинада унинг қирқимидан 0,2 см. масофада баҳяқатор юритиб тикилади. Тақилма ҳақининг четига астарлик газлама парчаси (мағиз) қўйиб, 0,4-0,5 см кенглиқдаги ағдарма чок билан тикилади. Газлама парчаси ағдарма чокдан айлантириб ўтқазилиб, 0,4-0,5 см кенглиқда кант ҳосил қилинади ва ағдарма чок ёнидан универсал машинада баҳяқатор юритилади. Ип газламадан тикиладиган юбкаларда тақилманинг чети тескарисига 0,7 см букилиб, букилган зайдан 0,2 см масофада баҳяқатор юритилади.


Юбка қиарқимлари олд бўлак томондан бириктириб тикилади. Чок ёриб ёки бир томонга ётқизиб дазмолланади. Тақилма пастки униг пастки қирқимидан 1 см юқорида универсал машинада кўндалангига учта баҳя қатор юритиб пухталанади. Тақилма зийлари бўлаб моделга мувофиқ безак баҳяқатор юритилади ёки ёлғон қавиқ солинади. Юбка тахламали бўлса, тақилма безак чокининг кенглиги таҳлама безак чокининг кенглиги билан бир ҳил бўлиши керак. Тақилма устки қисми остки қисми устига чиқарилиб дазмолланади.

Юбка тақилмаси «молния» тасмали бўлса, тақилмага «молния» тасмани юбка ўнгидан кўриниб турадиган қили бёки ичкарироқقا кўринмайдиган қилиб қўйилиши мумкин. «Молния» тасма ич кийимни илиб кетмаслиги учун эҳтиёт кўринма қўйилади. Эҳтиёт кўринма 8-9 см кенглиқда фақат астар газламадан ёки астар ва авра газламадан ўриш ишлари бўйлаб қирқиб

бичилади. Унинг узунлиги тақилма узунлигига мос бўлиши керак. Эҳтиёт кўринма авра астарли бўлса, авраси ўнги ичкарига қаратилиб, астари билан жуфтланади. Юқори ва ташқи ён четлари ағдарма чок билан тикилади. Кейин ўнгига ағдарилиб, ички ва пастки қирқимлари йўрмалади.



Молния тасмани тақилмага кўринма қўйиб тикиш.



Молния тасмани тақилмага кўринма қўймай тикиш.

Эҳтиёт кўринма фақат астар газламадан, газлама парчаси ўнги ичкарисига қаратиб буқланади. Юқори ва остки қирқимлари ағдарма чок билан тикилади. Ўнгига ағдариб ички қирқими йўрмалади.


Тақилма кўринмайдиган «Молния» тасмали қилиб тикиладиган бўлса, юбканинг орт ва олд бўлаклари бичилаётганда тақилма ишлов ҳақи қолдирилади. Юбка чоклари бириктириб тикилади ва улар ёриб дазмолланиб, айни вақтда олд бўлакдаги тақилма ҳақи букиб дазмолланади. «Молния» тасманинг бир томони юбканинг олд бўлак тақилма ҳақига бостириб тикилади, иккинчи томони эса орт бўлакка уланади. Бунда тасма юбканинг орт бўлаги билан эҳтиёт кўринма орасида қолиши керак. Тасманинг ички чети тақилма чети бўйлаб безак баҳяқатор юритаётганда қўшиб тикилади. Безак баҳяқатор юритилмайдиган бўлса, тасма чети қўлда яширин қавиқ солиб ёки яширин баҳяли маҳсус машинада тикиб қўйилади. Тақилма пастки уни олд бўлак тескарисидан иккита кўндаланг баҳяқатор юритиб пухталанади. Тақилма кўриниб турадиган «молния» тасмали қилиб, яъни кўринма қўймай тикиладиган бўлса, юбка чоклари бириктириб тикилгандан ва ёриб дазмоллангандан кейин, тасманинг ўнги юбканинг устига қўйилади. Тасма чок қирқимларидан 0,5 см. нарида тикилади. Тасманинг пастки четлари юбка томонга қиялама буклаб қўйилади.

Юбканинг юқори четини тикиш.


Юбканинг юқори четида қайтарма белбоғ, улама белбоғ, корсаж тасма ва бошқа деталлар бўлиши мумкин. Юбканинг юқори чети қайтарма белбоғли бўлса, олдин белбоғ тикиб олинади. Бунинг учун белбоғ ўнги ичкарига қаратиб букилади ва тагига қоладиган учи кўндалангига, устки учи эса учбурчак шаклида 0,7 см кенгликда чок билан тикилади. Бурчак жойларидағи чок ҳақи 0,2 см га қолдирилиб, ортиқчаси кесиб ташланади. Белбоғ учлари ўнгига ағдариб тўғриланади ва дазмолланади. Белбоғ юбканинг ўнги томонига қўйилиб, уларнинг қирқимлари текисланади. Белбоғ устига астарлик газлама парчаси қўйилиб, у юбкага белбоғ билан бирга 0,7 см чок билан уланади.

Белбоғ тақилманинг остки зийидан бошлаб устки томондаги қисмининг зийигача тикилади.

Белбоғ қайтарилиб туриб, чок тўғриланади, қўйилган газлама парчасининг қирқим томони ичкари томонга 0,7 см букилади ва шу букилган зийдан 0,1 см масофада бостириб тикилади.



Улама белбоғли юбканинг кўрниши.



Улама белбоғни юбкага күрниши.

ЮБКА ЭТАГИНИ ТИКИШ.

Юбка этагини бўрлаш учун, уни олд ва орт бўлаклари ўртасидан букиб, ён чоклари симметрик витачка ва бошқа чоклари бир-бiri билан устма-уст келтирилиб столга ёйилади, бунда юбканинг ўнги ташқарида, тескариси эса ичкарида бўлиши керак. Андоза қўйилиб, юқорига қаратиб қўйилган томонидан қирқиш ва букиш чизиқлари белгиланади. Пастга қараб турган томони юқорига айлантирилиб, унда фақат букиш чизиги белгиланади. Юбканинг тахламалари бўлса, уларни кўклаб қўйилган иплар сўкиб ташланади. Юбка чоклар букиб дазмолланган бўлса, улар этак қирқимидан 8-10 см масофада кертилиб, шу оралиқдаги қисми ёриб дазмолланади.

Юбканинг этаги белгиланган чизиқ бўйлаб букилиб, ҳосил бўлган зийдан 2 см нарида маҳсус машинада кўқланади. Юбка ип-газламадан тикилаётган бўлса, унинг этак қирқими яширин баҳяли маҳсус машинада ёки универсал машинада тикиб қўйилади. Бунда букиш ҳақи кўқланмайди. Юбканинг этаги дазмолда ёки прессда дазмолланади.